

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658.562+336 (575.1)

ҒАППОРОВ ФАРХОД ҚУРБОНАЛИЕВИЧ

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
(“Сурхонозиқ-овқатсаноати” АЖ мисолида)**

5A230102 – Иқтисодиёт (реал сектор) мутахассислиги бўйича

**магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: доцент Б. Касимов

ТОШКЕНТ – 2017

Тадқиқотнинг асосий масалалари бўлиб: ишлаб чиқариш корхоналарида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш, “Сурхонозиқ-овқатсаноати” АЖда айланма маблағнинг ҳозирги ҳолати ва таъминланганлик даражаси таҳлил қилиш, «Сурхонозиқ-овқатсаноати” АЖ айланма маблағидан унумли фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳисобланади. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши корхонада айланма маблағдан унумли фойдаланиш бўйича ташкилий-иқтисодий механизми такомиллаштирилишига кўмаклашади.

The main objectives of the study are: to study the theoretical and methodological foundations for increasing the effective use of circulating assets at manufacturing enterprises; Analysis of the current state of current assets and indicators of its level of security at the enterprise of JSC "Surkhonozikavkatsano"; Determination of the basic directions of effective use of circulating assets at the enterprise of JSC "Surkhonozikovqatsanoati". The developed scientific recommendations will help improve the organizational and economic mechanism for increasing the efficiency of using circulating assets at the enterprise of JSC "Surkhonozikovqatsanoati".

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ сонли баённома
“_____” _____ 2017 й.

Илмий раҳбар: Касимов Б. _____

Магистр: Гаппаров Ф. _____

имзо сана

имзо сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
мудири, доц. И.Хотамов _____
“_____” май 2017 йил

Ҳимоя 2017 йил “_____” _____ соат _____ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	11
1.1. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда sanoat корхоналари айланма маблағларидан самарали фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти	11
1.2. Корхонанинг айланма маблағлари тушунчаси, мазмуни ва таркиби.....	25
1.3. Корхона айланма маблағлари тузилмаси ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи.....	31
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	41
II БОБ. “СУРХОНОЗИҚ-ОВҚАТСАНОАТИ” АЖ ТАВСИФИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДАГИ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ.	42
2.1. “Сурхонозиқ-овқатсаноати” АЖ тавсифи, ишлаб чиқариш хажми ва асосий ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари.....	42
2.2 Корхонада ишлаб чиқаришга жалб этилган айланма маблағлар динамикаси, тузилмаси ва ҳолати кўрсаткичлари таҳлили.....	57
2.3. Корхона ишлаб чиқаришида айланма маблағларини айланиши даражаси ва самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили.....	67
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	71
III БОБ. “СУРХОНОЗИҚ-ОВҚАТСАНОАТИ” АЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	73
3.1. Корхона айланма маблағларнинг айланувчанлигини оширишда уларни нормалаштиришни такомиллаштириш.....	73
3.2. Корхонада ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминланганлиги ва уни яхшилаш йўналишлари.....	78
3.3. Корхонанинг айланиб турган ўз маблағлари динамикасини яхшилаш йўналишлари.....	81
Учинчи боб бўйича хулосалар.	84
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	85
ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	88

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхоналарнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Бу вазифаларни ҳал этишда иқтисодиётни, шу жумладан корхоналарни модернизация қилиш, унинг асосида янги технологияларни киритиш асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш масаласи ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва ишчилар сонини кўпайтиришга олиб келади.

Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиши динамикасидаги муҳим ўзгариш сифатида корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади.

Саноат сиёсатидаги асосий устуворлик институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Давлат раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди¹.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017 — 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади.

Саноат корхоналари маҳаллий истеъмол бозорларини сифатли товарлар билан тўлдириш, бозордаги зарурий мувозанатни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ҳозирда мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш каби муаммоларни самарали ечишда етакчи тармоқ бўлиб ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодийликнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши қандай катта аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши тушунамиз.”- деб таъкидланди².

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2017 йил 14 январь) маърузасида Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлигини таъкидлаб ўтди.

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Магистрлик диссертация ишининг объекти «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ . Магистрлик диссертация ишининг предмети «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ нинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги иқтисодий муносабатлар, қонуниятлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналари айланма маблағидан унумли фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертация ишининг вазифалари унинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидагиларни ҳал қилиш кўзда тутади:

² Ш.М. Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.// <http://xs.uz>

- Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналари айланма маблағидан унумли фойдаланишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;
- Корхонада айланма маблағлар ҳолатини таҳлил қилиш;
- Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ да айланма маблағнинг ҳозирги ҳолати ва таъминланганлик даражаси таҳлил қилиш;
- «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ айланма маблағидан унумли фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш, “Сурхонозиқ-овқатсаноати” АЖ да айланма маблағнинг ҳозирги ҳолати ва таъминланганлик даражаси таҳлил қилиш, «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ айланма маблағидан унумли фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш тадқиқотнинг асосий масалалари ҳисобланади. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши корхонада айланма маблағдан унумли фойдаланиш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштирилишига кўмаклашади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Йирик иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Бу масалаларга бағишланган жуда катта миқдордаги илмий ишлар, монография, рисоалар, мақолалар эълон қилинган, кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган. Бу олимлар жумласига Ким В.В., Хикматов О.Х., Убайдуллаева Р., Ўлмасов А.Ў., Гуломов С.С., Зиядуллаев С.К., Искандеров И.И., Ортиқов А.О., Махмудов Э.Х., Юлдашева Ш.М. ларни киритиш мумкин. Уларнинг ишларида иқтисодиётнинг, саноатни турли соҳаларининг иқтисодий самарадорлиги

тармоқларнинг моддий-техника базасини кучайтиришга қаратилган катор муаммолар ўрганилган. Кейинги йилларда саноат маҳсулотлари бозорининг айрим томонларини ёритувчи фан номзодлик диссертациялари ёритилди.

Саноат корхоналарида айланма капиталдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, корхонада харажатларни тежаш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш масалалари таниқли иқтисодчи олимлар – М.И.Баканов, А.Д.Шеремет, В.В. Бочарев, П.И.Вахрин, В.Г. Артеменко, М.В. Беландир, В.П.Астахов, Г.В.Савицкая, С.К.Татур, С.В.Куликов ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Саноат корхоналарида айланма маблағларнинг бухгалтерия ҳисоби, уларнинг иқтисодий таҳлили, маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлик масалаларини айрим назарий жиҳатларига ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар - И.Т. Абдукаримов, Б.А. Абдукаримов, Э.А. Акрамов, К.Б. Уразов, М.Қ. Пардаев, Б.А. Ҳасанов, Ж.И. Исроилов, А.Н.Холикуловларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Юқорида номлари тилга олинган иқтисодчи олимлар мазкур масалага кўпроқ бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва молиявий таҳлил нуқтаи назаридан ҳамда айланма капиталнинг иқтисодий жараёнлари билан боғлиқ бўлган жиҳатларига алоҳида эътибор қаратганлар.

Шунингдек, уларнинг илмий иш ва изланишларида корхоналарнинг айланма капиталидан фойдаланиш даражаси кўпроқ умумий масала сифатида ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Бироқ, мамлакатимизда хусусан, «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ да айланма маблағлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда омиллари молиявий ва иқтисодий нуқтаи назаридан тизимли тадқиқ этилмаган. Шунингдек, юқорида қўйилган муаммо магистрлик даражасида алоҳида объекти сифатида тадқиқ этилмаган ва ўрганилмаган.

Юқоридаги ҳолатлар мазкур ишнинг мақсади, вазифаси ва унда ечиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот жараёнида тадқиқ этишнинг диалектик, илмий абстракция, математик, статистик усулларидан, гуруҳлаш ва қиёсий усулларидан фойдаланилди. Диссертация ишнинг услубий асослари бўлиб Президент асарларида, етакчи иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ушбу мавзуга оид илмий ишларида олдинга сурилган ғоялар, фикр ва мулоҳазалар хизмат қилади. Шуниндек, таҳлилларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа идораларнинг меъёрий ҳужжатларига, корхонанинг охириги уч йиллик ҳисобот материалларига асосланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг асосий натижаларидан «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ ни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини яхшилаш борасида ишлаб чиқилган дастурларида ҳамда олий ўқув юртларининг шу йўналиш талабаларини ўқитишда фойдаланиш самарали ҳисобланади. Магистрлик диссертация ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналари айланма маблағидан унумли фойдаланишга ёрдам беради. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- Корхонада айланма маблағлар айланишининг тезлашувини ошириш имкониятлари аниқланган.
- Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси ва унинг меъёридаги суммаси динамикаси таҳлили олиб борилган.
- Корхонада айланма маблағлар ҳолати, динамикаси ва улар таркибининг ўзгариши таҳлили олиб борилган.
- Корхона айланма маблағлари таркибида ўз маблағлари улушини оширишга таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертация ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- Корхонада айланма маблағлар ҳолатини яхшилаш йўналишлари аниқланган;
- Корхонада айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар аниқланган;
- Корхонанинг айланиб турган ўз маблағлари динамикасини яхшилаш йўналишлари белгиланган;
- корхонанинг айланма маблағидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича мавжуд имкониятларни кўрсатиб берилган.
- «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ да аниқланган имкониятларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш борасида таклифлар кўрсатилган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Магистрлик диссертация ишининг таркибий тузилиши қуйидагича: кириш, 3та бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати.

Диссертация ишининг биринчи боби “Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхоналари айланма маблағидан унумли фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари”деб номланган бўлиб унда иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш асослари, корхонанинг айланма маблағи тушунчаси, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашдаги унинг аҳамияти, саноат корхоналари айланма маблағи таркиби ва уни таҳлил қилишнинг услубий асослари кенг ўрганилган.

Диссертация ишининг «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖда айланма маблағнинг ҳозирги ҳолати ва таъминланганлик даражаси таҳлиliga бағишланган иккинчи бобида «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ нинг тавсифи ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилади, корхонада айланма маблағлар ҳолати, динамикаси ва улар таркибининг ўзгариши таҳлили ва корхонада айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси ва унинг меъёрдаги суммаси динамикаси охириги уч йиллик маълумотлар асосида амалга оширилган.

Диссертация ишининг учинчи боби «Сурхонозиқ-овқатсаноати» АЖ айланма маблағидан унумли фойдаланишнинг асосий йўналишларига бағишланган бўлиб, унда корхонада айланма маблағлар айланишининг тезлашувини ошириш имкониятлари, корхонада рентабелликни ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали айланма маблағдан самарали фойдаланиш имкониятлари ва корхонанинг айланиб турган ўз маблағлари динамикасини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

I Боб. Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий асослари

1.1. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда саноат корхоналари айланма маблағларидан самарали фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти

Барқарор иқтисодий ўсиш концепцияси мувофиқ мамлакатимизда самарали ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш учун қулай шарт-шароитларни яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш жамиятда аҳолини турмуш фаровонлигини изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш учун шарт-шароит яратади.

Барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари бу амалга оширилган мувозанатлаштирилган макроиқтисодий сиёсатни, иқтисодиётни эркинлаштиришни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга қаратилган таркибий ўзгаришлар жараёнларини жадаллашуви ва чуқурлашувини натижасидир. Эътиборли жиҳати шундаки, барқарор иқтисодий ўсиш анъанавий хом ашё тармоқлари, жаҳон бозоридаги айрим хом ашё ва материал турлари юқори баҳоси ва қулай конъюнктураси ҳисобига эмас, балки иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, тайёр рақобатбардош маҳсулотни ва ҳозирги замон хизматларини кўрсатишга қаратилган тармоқларни жадал суръатларда ривожланиши ҳисобига таъминланмоқда.

Иқтисодий фанда “иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги” ва “иқтисодий ўсишнинг сифати” тушунчалари фарқланади. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги деганда “ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги” тушунчасининг ҳамма таркибий қисмларини шу жумладан товар ва хизматларнинг сифатини яхшиланиши, уларнинг рақобатбардоршигини ортиши, янги тугалланган юқори технологияни ўзида мужассамлаштирган тайёр товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, фойдаланиладиган ресурсларни қайтимини ўсиши, ишлаб чиқариш харажатларини камайиши

тушунилади.

“Иқтисодий ўсишнинг сифати” тушунчаси эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини ижтимоий йўналтирилганини кучайишини ифодалайди.

Иқтисодий ўсиш сифатини таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилланиши;
- шахснинг ҳар томонлама ривожланишини асоси ҳисобланган бўш вақтини кўпайиши;
- ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражасини ўсиши;
- инсон капиталига сарфланадиган инвестицияни кўпайиши;
- кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш;
- ишсизларнинг ва меҳнат қобилиятига эга бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- меҳнат бозоридаги таклиф ўсиб бораётган шароитда тўла бандликни қўллаб-қувватлаш;

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши мамлакатдаги иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Айниқса аҳоли фаровонлигини ошириш ва юқори турмуш даражасини таъминлаш мамлакатнинг иқтисодий ҳолати ва барқарор ривожланишига боғлиқ.

Шунга кўра, Ўзбекистон мустақилликка эришган палладан бошлаб мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган ўзбек моделига асосланган иқтисодий сиёсатни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларининг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади. Ушбу атамага мамлакатимиз иқтисодиёти ислохотчилари қуйидагича таъриф беришган: “Диверсификация – юқори қўшилган қиймат ўсиш динамикасини таъминловчи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар ассортиментининг ошиши ва кенгайиши жараёнидир. Диверсификация жараёни иқтисодиёт тармоқларида олиб борилаётган модернизация ва таркибий ўзгаришлар билан бевосита уйғунлашган”³.


Умуман олганда, иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ушбу тармоқларда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга олиб келади, пировардида мамлакат, корхона ва маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги, аҳолини иш ўринлари ва турмуш даражасининг юксалиши ҳамда мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши таъминланади

2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислох қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш бўйича дастурларни амалга оширилиши 2016 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 7,8% даражадаги юқори ўсиш суръатини таъминлаш имконини берди. Сўнгги 10 йил ичида ЯИМ ҳажми 2 баробардан зиёдга ўсди. 2016 йилда «Focus Economics» халқаро консалтинг компаниясининг ЯИМ ўсиш суръатлари бўйича дунё мамлакатлари рейтингда Ўзбекистон 127 мамлакат орасида еттинчи ўринни эгаллади.

Жаҳон иқтисодиётида сақланиб қолаётган мураккаб вазият ва дунё бозорларида юзага келган ноқулай конъюнктурага қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти 2016 йилда ҳам юқори суръатларда ўсишда давом этди. Хусусан, 2016йил якуни бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг реал ўсиши 2015 йилга

³ Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирузи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

нисбатан 7,8 фоизни ва унинг номинал ҳажми 199,325трлн. сўмни ташкил этди (1-жадвал)⁴ (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси⁵, фоизда

Расмдан кўринадики, мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор тарзда бормоқда. Агар ўртача ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 4 фоиз, 2004-2006 йилларда 7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9,2 фоиздан юқори даражада кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич кейинги етти йил давомида деярли 8 фоиз даражасида бўлмоқда. Албатта, бу ўринда дунёдаги мураккаб вазият – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этаётгани, унинг дунёдаги барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат глобал инқирознинг

⁴ Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2016 йил январь-декабрь, www.cer.uz

⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

иқтисодиётимизга салбий таъсирини сезиларли даражада “юмшатиб”, шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолишини таъминлади. Шунга кўра, агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бермаганида Ўзбекистондаги ўсиш суръатлари янада юксакроқ бўларди, деб хулоса чиқариш учун етарли асослар бор.

Юқоридаги омиллар таъсири остида мамлакатимизда 2016 йилда иқтисодиётининг асосий соҳа ва тармоқларидаги ўсиш суръатини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси⁶

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014	2015	2016
ЯИМ	млрд. сўм	144867,9	171369,0	199325,1
Аҳоли жон бошига ЯИМ	минг сўм	4709,7	5475,1	6 258,6
Саноат маҳсулоти	млрд. сўм	75193,5	91705,3	111267,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	млрд. сўм	36957,0	42280,4	48431,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд. сўм	33715,3	40737,3	49476,8
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	19779,3	25329,1	29265,8
Юк ташиш	млн. тонна	1455,8	1534,0	1603,6
Йўловчилар ташиш	млн. киши	7321,3	7589,4	7875
Хизматлар – жами	млрд. сўм	82261,2	89326,3	90991,7
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	58643,4	71025,6	88033,6
Доимий аҳоли сони (давр учун ўртача)	минг киши	30759,2	31299,5	31848,2
Бандлар сони (давр учун ўртача)	минг киши	12818,4	13058,3	13298,4

2016 йилда барқарор юқори иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари бўлиб қўйидагилар хизмат қилди:

- макроиқтисодий мувозанатни сақлаб туриш. Хўжалик субъектлари учун солиқ юкининг камайиши, ташқи савдо айланмасининг ижобий қолдиғи ва 5,7%ни ташкил этган паст даражадаги инфляция билан бир қаторда Давлат бюджетининг ЯИМга нисбатан 0,1% даражадаги профицити таъминланди.

- хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнес манфаатларини ҳимоя қилиш ва жадал ривожлантириш. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида, 2016 йил давомида кичик бизнес субъектлари учун 16 трлн.сўм атрофида ёки ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилди, шундан 3,3 трлн.сўмни микрокредитлар ташкил этди. Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини янада рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар 2016 йил давомида 32 мингта янги кичик бизнес субъектларининг ташкил этилишига замин яратди. Натижада, кичик бизнеснинг улуши ЯИМда 56,9%гача (2015 йилда 56,5%), саноатда 45%гача (40,6%), инвестицияларда 40,3%гача (36,3%) ва бандликда 78,1%гача (77,9%) ўсди;

- ҳудудларнинг саноат салоҳиятини янада кенгроқ жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,6%га, шу жумладан истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,4%га ўсди. Маҳаллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлаш даражасини босқичма-босқич чуқурлаштириб бораётган ҳамда тайёр истеъмол маҳсулотлари турларини кенгайтиришни таъминланаётган соҳаларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми энг юқори суръатлар билан ўсди.

Натижада, саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида истеъмол товарлари улуши 42,6%гача ўсиб, бу маҳсулотларнинг кўп тури, жумладан тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва қурилиш материаллари бўйича импортга қарамлиликни қисқартириш имконини берди;

- қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, модернизация ва диверсификация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг 6,6%га ўсишини таъминлади;

- хизматлар соҳасининг, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларига асосланган замонавий хизмат турларининг жадал

⁶ Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2016 йил январь-декабрь, www.cer.uz

ривожланиши ЯИМ таркибида хизматлар соҳаси улушининг 2015 йилдаги 48,6%дан 2016 йилда 49,5%га ўсишига олиб келди.

2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури-ни амалга ошириш доирасида 2016 йил мобайнида хизматлар соҳасида 14,6 мингта янги объект ташкил этилиб, 194 та янги маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари ишга туширилди ҳамда 54 та янги меҳмонхона қурилди. Натижада, кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,5%га, шу жумладан алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 11,7%га, молиявий хизматлар 19,2%га, автотранспорт хизматлари 16,4%га, савдо 14,7%га, яшаш ва овқатланиш хизматлари 11,7%га ўсди.

-хомашё ва ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлаш асосида рақобатбардош маҳсулотлар яратувчи юқори технологияли ва замонавий ишлаб чиқаришни ишга туширишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсати натижасида капитал қўйилмалар ҳажми 9,6%га ва қурилиш пудрат ишлари 12,5%га ўсди.

2-жадвал


Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий соҳа ва тармоқларидаги ўсиш суръати⁷, (ўтган йилга нисбатан% да)

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016
ЯИМ	108,1	108,0	107,8
Аҳоли жон бошига ЯИМ	106,2	106,2	105,9
ИНИ (аввалги йил йилнинг декабрига нисбатан)	6,1	5,6	5,7
Саноат	107,9	107,8	106,6
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	106,9	106,8	106,6
Асосий капиталга инвестициялар	109,6	109,6	109,6
Қурилиш ишлари	118,3	117,8	112,5
Юк ташиш	105,0	105,1	105,0
Йўловчи ташиш	104,8	103,6	103,6
Хизматлар – жами	115,4	114,0	112,5
Чакана товар айланмаси	114,3	115,1	114,4
Доимий аҳоли сони (давр учун ўртача)	101,7	101,8	101,8
Бандлар сони (давр учун ўртача)	102,4	101,9	101,8

⁷ Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2016 йил январь-декабрь, www.cer.uz

Жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2016 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 6.6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6.6 фоизга, кўрсатилган хизматлар ҳажми 12.5 фоизга ўсиб, унинг яна ЯИМ таркибидаги улуши 49.5 фоизни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2015 йилга нисбатан 14.4 фоизга ўсиши таъминлайди.

2016 йилда ЯИМ ўсишининг 57,2%и (2015 йилда 53,2%) хизматлар эвазига таъминланди. Саноатнинг (қурилиш билан бирга) ҳиссаси 27,7% (31,0%)ни ва қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси 15,3% (15,7%)ни ташкил этди (2-расм).



2-расм. ЯИМ ўсишига иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари қўшган ҳиссаси динамикаси⁸ (ҳиссанинг ўсишдаги улуши,%)

Сўнгги 4 йил мобайнида хизматлар ва сервис соҳасининг жадал юқори ўсиш суръатлари (ўртача ўсиш суръати 114%) ушбу соҳанинг ЯИМдаги улушини 2013 йилдаги 48,6%дан 2016 йилда 49,5%гача ўсишини таъминлади. Натижада, бу соҳанинг ЯИМ ўсишидаги улуши йилдан йилга ортиб бормоқда.

⁸ Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень 2016 йил январь-декабрь, www.cer.uz

Шу билан бирга, автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда 2,8 баробар қисқариб, бу саноат (қурилиш билан бирга) ўсиш суръ-атининг 2014 йилдаги 107,9%дан 2016 йилда 106,6%гача пасайиши ва ЯИМдаги саноат улушининг мос равишда 4,4 ф.б.га камайишига олиб келди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаш таклифи берилди. Давлат раҳбари томонидан “Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартиришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак.”-деб таъкидлаб ўтилди⁹.

Пойдевор сифатида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини

⁹Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди¹⁰. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017 — 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади.

Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади. 2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:

мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. долларлик 63 та лойиҳа;

¹⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича 217 млн. долларлик 6 та лойиҳа;

кимёвий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 млн. долларлик 2 та лойиҳа;

углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 млн. долларлик 6 та лойиҳа;

тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 млн. долларлик 9 та лойиҳа;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 млн.долларлик 7 та лойиҳа;

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 млн. долларлик 29 та лойиҳа;

тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 млн. долларлик 15 та лойиҳа.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017-2020 йилларда аҳолининг энергия таъминоти яхшилаш учун қўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига қўмир қазиб олишни йилига 7,8 млн. тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, бозор муносабатлари асосида барқарор миллий иқтисодиётни барпо этиш ва уни ривожлантириш жараёнлари жадаллашмоқда. Бу даврда барча турдаги ресурслардан унумли фойдаланиш талаб қилинади, зеро ўтказилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти ҳам иқтисодий самарадорликни ошириш муаммосининг қай даражада тўғри ҳал этилишига боғлиқдир.

Саноат соҳасида турли маҳсулотларни тайёрлаш жараёнида моддий ва молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжлар доимо ошиб боради. Саноат корхоналарида асосий фондлар билан бир вақтда меҳнат буюмлари ҳам ҳаракатда бўлади. Шу сабабли уларни айланма фондлар деб айтилади. Айланма фондлар - ишлаб чиқариш жараёнида бир марта қатнашиб, ўз қийматини

тайёр маҳсулотга ўтказиб, ўз шаклини ҳам ўзгартирадиган, бутунлай йўқотиб юборадиган меҳнат буюмларидир.

Айланма фондларга ишлаб чиқариш жамғармалари ва ишлаб чиқаришдаги маблағлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш жамғармалари айланма фондларнинг асосий қисмини ташкил этади. Улар корхоналарга келтирилган, лекин ишлаб чиқариш жараёнида ҳали фойдаланилмаган меҳнат буюмлари, хусусан, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, асосий ва ёрдамчи материаллар, энергия, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, хўжалик жиҳозлари ва тез емирилувчи буюмлардан иборат.

Айланма фондларнинг яна бир қисмини тугалланмаган ишлаб чиқариш ташкил этади. Улар ишлаб чиқариш жараёнига аллақачон тушган, лекин ишлов бериш тугамаган меҳнат буюмларидир. Буларга корхона ўзи яратган, лекин чала тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришлар киради.

Айланма фондларнинг яна бир қисми келгуси давр харажатлари ҳисобланади. Улар янги турдаги маҳсулотларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва ўзлаштириш, мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш хоналарини ижарага олиш, тоғ-саноат корхоналарига таалуқли харажатлардан иборатдир. У харажатларнинг ҳаммаси тайёр маҳсулотнинг таннархига киритиш эвазига қопланади¹¹.

Айланма фондларнинг таркиби турли тармоқларда турлича бўлади. Уларни иқтисодий таҳлил этиш ва уларнинг таркибига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир кучи натижаларини топиш саноат тараққиётини белгилашга катта ёрдам беради.

Саноат ишлаб чиқаришининг узлуксиз ва барқарор ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва арзон хилма-хил маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг рақобатбардош бўлишига эришиш, уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш кўп жиҳатдан айланма маблағларнинг хажмига,

¹¹ А. Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2014й., 385 бет.

сифатига ва улардан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шу сабабли ҳам Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов 1997 йил 9 июлда “Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдириб турилиши учун маъсулиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги махсус фармонга қўл қўйди.

Ушбу фармонда Республиканинг айрим вазирликлари, идоралари ва корхоналарида молиявий аҳвол қониқарсиз бўлиб қолаётганлиги, ўз айланма маблағларини сақлашга эътиборсиз бўлиши, шунингдек катта миқдордаги маблағлар дебиторлик қарзларига ишлатиб юборилаётгани, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча қолдиқлари тарзида ўлик ҳолатга келтирилаётганлиги кайд этилди.

Кейинги 15 йил ичида бу камчиликларга барҳам берилди. Натижада айланма маблағларнинг айланиши тезлаштирилди ва улардан самарали фойдаланишга эришилди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламдаги бозор ислоҳотлари, иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари корхоналардаги мавжуд асосий ва айланма маблағлар қийматининг ўсишига ҳамда таркибининг ўзгариб, сифат жиҳатидан такомиллашиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда (3-жадвал).

3-жадвалдан кўринадики, 2012-2015 йиллар давомида саноатда айланма маблағ таркибида пул маблағлари солиштирма салмоғининг 3.3 фоиз пунктига ошганлиги, дебиторлик қарзлари салмоғининг 6.5 фоиз пунктига пасайганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Енгил саноатда эса айланма маблағ таркибида Тугалланмаган ишлаб чиқариш солиштирма салмоғининг 0.5 фоиз пунктига ошганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Келгусида ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишига эришиш, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодий шакллантириш ва унинг ривожини жадаллаштириш айланма маблағлардан янада яхшироқ фойдаланишни тақозо этади.

**Саноат корхоналарнинг айланма маблағлари таркиби динамикаси,
фоизда**

Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2015 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
Саноат бўйича					
<i>Айланма маблағ</i>	100,0	100,0	100,0	100,0	-
шу жумладан:					
-товар-моддий захиралари	27,7	22,8	21,6	23,7	-4
Ишлаб чиқариш захиралари	19,8	16,7	14,9	17,2	-2.6
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	2,4	2,2	2,0	2,3	-0.1
Товарлар	0,2	0,2	0,5	0,2	-
Тайёр маҳсулот	5,2	3,6	4,2	4,0	-1.2
дебиторлик қарзлари	55,6	50,2	46,2	49,1	-6.5
пул маблағлари	9,5	11,5	10,7	12,8	+3.3
Енгил саноатда					
<i>Айланма маблағ</i>	100,0	100,0	100,0	100,0	-
шу жумладан:					
-товар-моддий захиралари	69.8	59.2	65.7	65.4	-4.4
Ишлаб чиқариш захиралари	53.9	48.3	41.7	51.6	-2.3
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	0.9	2.0	1.8	1.6	+0.5
Товарлар	0.5	0.3	0.4	0.3	-0.2
Тайёр маҳсулот	14.5	8.7	21.9	11.9	-3.6
дебиторлик қарзлари	10.4	14.7	10.5	10.2	-0.2
пул маблағлари	3.1	3.3	3.0	2.2	-0.9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Бу борада саноат ишлаб чиқариши олдига қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- фан-техника тараққиёти ва инновацион фаолият натижаларини кенг қўллашни;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган меъёр ва меърийлар (нормативлар) тизимини яратишни;
- корхоналар ўртасидаги узок муддатли хўжалик алоқаларини янада юқори даражага кўтариш ва ишлаб чиқариш кооперациясидан кенг фойдаланишни;
- корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағларини тегишли ва адресли мақсадларга сафлашни;
- ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштириш оптимал шакллари кенг қўллашни;

1.2. Корхонанинг айланма маблағлари тушунчаси, мазмуни ва таркиби.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишда меҳнат куруллари (асосий фондлар) ва ишчи кучидан ташқари, айланма маблағларга ҳам эга бўлишлари зарур. Айланма маблағлар ишлаб чиқаришнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил қилишга мўлжалланган пул маблағларидан иборат. Айланма маблағлар, қоидага кўра, корхонанинг ҳисоб рақамида нақд пул кўринишида жамғарилади. Ҳар бир корхонанинг айланма маблағлари асосий фондларнинг техник ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури билан боғлиқ. Корхона қанчалик катта ва унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турлари кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кўп талаб қилинади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

“Айланма маблағлар ” атамасидан ташқари “айланма маблағ” ибораси ҳам кўп қўлланилиб, асосан иқтисодий назария ва хўжалик юриштининг хорижий тажрибасидан олинади. Моҳиятига кўра, айланма маблағ корхона


ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми бўлиб, унинг қиймати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир циклида ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказилади ҳамда ушбу товарни сотгандан сўнг корхонага қайтарилади. Айланма маблағ кўпинча корхонанинг пул маблағлари ҳисобланувчи ёки ишлаб чиқариш жараёнида пул маблағларига айлантирилувчи ҳаракатчан активлари қаторига киритилади.

Иқтисодий табиати, бажарувчи вазифалари ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига кўра, “айланма маблағлар” ва “айланма маблағ” ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Корхона доимий капиталининг таркибий қисми сифатида улар хом ашё, ёқилғи, энергия ресурслари, ёрдамчи ва бошқа материалларда юзага келади, шунингдек, ишчи кучларини ёллаш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга бўнак (аванс) тариқасида берилади. Айланма маблағларга бўлган кўшимча талаб банклардан олинган кредитлар ҳисобига қопланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналарнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Корхоналарнинг айланма маблағлари айланма фондлари ва муомала фондларига тақсимланади.

Айланма маблағларнинг таркибини 3-расмда кўриш мумкин.




3-расм. Айланма маблағлар¹² (саноат ишлаб чиқариши бўйича).

Бундай тақсимлаш уларнинг моддий–буюмлашган тузилишидан ташқари, ишлаб чиқариш жараёни ва умуман, корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги иштироки асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, тақсимлаш режалаштиришни ташкил қилишда ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлашда катта роль ўйнайди.

Саноат корхоналари фаолиятининг асосий ва айланма фондлар ҳамда айланма маблағлар билан узвий боғлиқлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлиб, пул ва ишлаб чиқарилган товар шаклида рўй бериши мумкин. У қуйидаги ифодаланади:



Бунда: П – корхонанинг пул шаклидаги маблағлари; ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун (Ив) ва иш ҳақи (Их), сўм ҳисобида.

¹² А. Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2004й., 385 бет.

Ич– ишлаб чиқариш воситаларининг унумли истеъмоли, сўм ҳисобида;

Т – ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш жараёнида истеъмоли қилиниши натижасида ишлаб чиқарилган товарлар қиймати, сўм ҳисобида;

П¹ – ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш натижасида ҳосил бўлган пул, сўм ҳисобида.

Корхонанинг айланма маблағлари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Чунки улар ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигига шароит яратиш берадилар. Агарда саноат корхоналарининг айланма маблағлари камайиб кетса, улар банкротликка юз тутадилар

Айланма ишлаб чиқариш фондлари–корхона ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми бўлиб, битта ишлаб чиқариш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннархига ўтказилади. Шу сабабли айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнининг мажбурий элементи ва ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.

Корхона айланма ишлаб чиқариш фондлари қаторига хом ашё ва материаллар захираси, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва энергетика ресурслари, қадоклаш ва ўров материаллари, эҳтиёт қисмлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келажакдаги харажатларни киритиш мумкин. Режалаштириш, системали ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш учун қулайлик яратиш мақсадида айланма ишлаб чиқариш фондлари уч гуруҳга бўлинади:

- * ишлаб чиқариш захиралари;
- * тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар;
- * келгуси давр харажатлари.

Муомала фондлари корхонанинг тайёр маҳсулот захирасини яратиш учун мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек, чек ва векселлар, акциядорларнинг қарзлари, турли хил дебиторлик қарзлари, банк ва кассаларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан иборат бўлади. Муомала

фондлари ва айланма ишлаб чиқариш фондлари мажмуаси, корхонанинг айланма маблағлари(капитали)ни ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма маблағлар катталигини белгиловчи асосий омиллар – бу, маҳсулот тайёрлашнинг ишлаб чиқариш цикли узунлиги, меҳнатни ташкил қилиш, техника ва технологиянинг ривожланиш даражаси, меҳнат предметлари ва қуролларидан фойдаланиш нормаларидир. Айланма маблағлар катталиги, шунингдек, маҳсулотларни сотиш шароитлари, таъминот ва маҳсулотни сотиш тизимини ташкил қилиш даражаси билан ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, айланма маблағлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- хом ашё, материал, эҳтиёт қисмлар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда зарур бўлган бошқа меҳнат предметлари;
- ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинувчи электр энергияси, ёқилғи каби ресурслар учун ҳақ тўлаш;
- корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш ҳақи тўланиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш.

Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш заҳираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда заҳира деганда, моддий ва пул ресурсларини яхшилашнинг юзага келган ёки юзага келаётган, лекин ҳали фойдаланилмаган (тўлиқ ёки қисман) имкониятларини тушуниш лозим.

Бу заҳиралар келиб чиқиши ва фойдаланилишига кўра халқ хўжалигига ва тармоқларга тегишли ёки тармоқлараро, ишлаб чиқариш ичидаги (завод, цех ва ҳоказо) турларига бўлинади. «Корхона иқтисодиёти»да ички ишлаб чиқариш заҳиралари - ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда техника ва технологияни такомиллаштириш, маҳсулотларнинг янги ва янада мукамал

турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари, катта аҳамият касб этади. Захиралар шунингдек, моддий ресурсларни сарфлашни нормаллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг меҳнат сиғимини камайтириш, меҳнатни ташкил қилишнинг рационал усулларини қўллаш натижасида ҳам аниқланади. Қисқача айтганда ҳар бир корхона, айниқса, йирик ва машинасозлик корхоналари ҳамда уларга яқин бўлган корхоналар, моддий ва пул ресурсларидан, яъни хусусий капитал ва бошқа активлардан рационал фойдаланиш бўйича пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасига эга бўлиши зарур.

Ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чиқариш йўналишлари қаторига, бирламчи хом ашёни ишлаб чиқаришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хом ашё, материал, ёқилғиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқитларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига, маҳсулотлар материал сиғимини режалаштириш ва нормалаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган норма ва нормативларини ишлаб чиқиш, “эски” ва “янги” маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида) битта миқдордаги хом ашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни қўпайтиришдадир. У ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника

таъминоти, моддий ресурслар захираларини сарфлаш нормаларига боғлиқ бўлади.

1.3. Корхона айланма маблағлари тузилмаси ва айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичларини баҳолашнинг услубий асоси

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг асосий ва салмоқли қисми сифатида ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади¹³:

* ишлаб чиқариш захиралари – бу ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёрланган ҳамда хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, харид қилинувчи ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, асосий фондларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материалларидан ташкил топувчи меҳнат предметлари;

* тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар – бу, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга топширилган ҳамда ишлов бериш ва йиғув жараёнида бўлган, лекин ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тугалланмаган ҳамда ушбу корхонада кейинчалик ишлов берилиши лозим бўлган меҳнат предметлари;

¹³ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2014, – 208 б.

* келгуси давр харажатлари - айна пайтда ишлаб чиқарилаётган, лекин келажакдаги маҳсулотларга мансуб бўлган янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари (масалан, асбоб-ускуналарни қайта режалаштириш, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва лойиҳалаштиришга сарфланувчи харажатлар ва бошқалар).

Айланма ишлаб чиқариш фондлари алоҳида таркибий қисмлари ёки элементлари ўртасидаги фоизларда ифодаланувчи ўзаро муносабатлар айланма ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини ташкил қилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари ўртасидаги худди шундай фоизлардаги муносабатлар корхона айланма маблағларининг тузилмаси деб аталади.

Ишлаб чиқариш захиралари айланма ишлаб чиқариш фондларининг асосий қисмини ташкил қилади. Бироқ бозор иқтисодиёти, айниқса, барча ресурслар тақчиллиги шароитларида ишлаб чиқариш захираларининг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши корхона иқтисодиётига салбий таъсир қилишидан ташқари, ресурсларни “боғлаб” қўяди ҳамда уларнинг йўқотилишига олиб келади. Шу сабабли айланма маблағлар ҳажмини оптималлаштириш ва уларни маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига мос ҳолга келтириш корхонанинг тежамкорлик режимида фаолият юритиши катта аҳамиятга эга бўлади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарнинг айланма маблағлари ишлаб чиқаришнинг технологик ташкил этиш хусусиятларига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Бу хусусиятларнинг характери ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва мураккаблиги, ихтисослаштириш даражаси, маҳсулотни реализация қилиш шароитлари ва шу кабилар билан изоҳланади. Айланма маблағлар тузилмасининг тармоқлар бўйича фарқланишини қуйидаги жадвал орқали билиб олиш мумкин (4-жадвал).

Айланма маблағларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши¹⁴

Айланма фондларнинг гуруҳ ва элементлари	Бутун саноат	Қора металлургия	Маши-насослик	Энергетика	Енгил саноат	Озиқ-овқат саноати
1. Ишлаб чиқариш заҳиралари - жами	70,2	65,0	55,3	98,3	90,0	78,8
Жумладан: хом ашё ва асосий материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар	46,2	23,8	37,5	-	76,7	52,2
Ёрдамчи материаллар	6,6	11,0	2,3	24,1	5,7	6,1
Ёқилғи	1,7	2,0	0,7	37,4	0,5	1,6
Таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар	3,9	11,0	2,0	23,0	1,7	2,0
Қадоқлаш ва ўров материаллари	3,0	0,5	0,6	0,3	1,2	11,3
Инструментлар, хўжалик асбоблари ва қиммат бўлмаган, тез эскирувчи бошқа предметлар	9,8	16,7	12,2	19,5	3,2	5,6
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар	24,0	18,3	42,2	0,5	9,8	19,5
3. Келгуси давр харажатлари ва бошқа меҳнат предметлари	5,8	16,7	2,5	1,2	0,2	1,7
Жами айланма ишлаб чиқариш фондлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Айланма фондлар тузилмаси нафақат саноатнинг турли тармоқларида, ҳаттоки бир тармоқ ва бир корхонанинг ўзида ҳам фарқланади. Бундай

¹⁴ Қаранг: Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2014, – 208 б.

фарқланишга турли хилдаги хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқариш технологияси ва техникасидаги фарқлар, корхоналарнинг географик жойлашуви, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва меҳнат тақсимоти, моддий-техника таъминоти сабаб бўлиши мумкин.

Корхоналар айланма маблағлари таркиби ва тузилмасига хўжалик юритиш қобилияти ва унинг самарадорлигига риоя қилиш қоидалари катта таъсир кўрсатади. Яъни корхона ишлаб чиқариш заҳираларини ва айланма маблағларнинг таъминланганлигини ҳаддан ташқари оширишга интизмаслиги зарур. Амалиётнинг гувоҳлик беришича, бу, ресурсларнинг ҳалок бўлишига ва сунъий танқисликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли хом ашё ва материалларни сарфлашнинг технологик нормаларига риоя қилиш, уларни сақлашни тўғри йўлга қўйиш, чиқитлар ва йўқотишларни камайтириш, замонавий ва арзон материаллардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Бироқ арзон материаллардан фойдаланиш доим ҳам корхона имкониятлари ва хоҳишидан келиб чиқавермайди ва ташқи муҳит, биринчи ўринда ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлар, баҳони шакллантириш, умумий иқтисодий барқарорлик ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Корхона иқтисодиётига айланма маблағларнинг таркиби ва тузилмасидан ташқари, уларни ишлаб чиқариш, такрор ишлаб чиқариш ва муомаланинг турли босқичларида излаб топиш катта таъсир кўрсатади. Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиши уч босқичдан иборат бўлиб, бу жараёнда маҳсулот ишлаб чиқарилади ва сотилади.

Биринчи босқичда айланма маблағлар пул шаклидан моддий бойликларнинг ишлаб чиқариш заҳираларига айланади, яъни пул - товар (Д-Т).

Иккинчи босқич ишлаб чиқариш, яни маҳсулотни тайёрлаш жараёнини ўз ичига олади. Бу босқичда айланма маблағлар ва биринчи ўринда айланма фодлар тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳолига келтирилиб, товар шаклини олади (Т).

Учинчи босқичда¹⁵ айланма маблағлар товар маҳсулоти шаклида муомалага киритилиб, сотилади ва яна пул шаклини олади (Т-П).

Шу тарика айланма маблағлар барча босқичлардан ўтиб, тўлик айланишни амалга оширишини қуйидаги тарзда акс эттириш мумкин:


1-босқич - пул-товар (П-Т); 2-босқич - ишлаб чиқариш (И.Ч); 3-босқич - товар-пул (Т-П).

Шуни қайд қилиб ўтиш муҳимки, корхонанинг айланма маблағлари бир вақтнинг ўзида учала босқичда ҳам пул маблағлари, ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар кўринишида мавжуд бўлиши мумкин. Корхонанинг айланма маблағлари ҳаракати маълум бир иқтисодий қонунлар асосида ишлаши ҳамда улардан ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида оқилона фойдаланишни кўзда тутиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунлардан ва айланма маблағлардан фойдаланиш қоидаларидан четга чиқиш айланма маблағларнинг етишмаслигига ёки самарадорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Корхона иқтисодий салоҳияти таркибида етакчи ўринларни айланма маблағлар ҳиссаси ташкил қилади. Унинг миқдори, таъкидланганидек, турли соҳаларда турлича.

Таҳлил жараёнида айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айланма маблағлар ҳам иқтисодий мазмуни бўйича айрим жиҳатлари асосий воситаларга ўхшаш. Улар иккаласи ҳам моддий ресурслар гуруҳига киради. Шу жиҳатдан айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин: айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Мазкур кўрсаткичларнинг таснифи чизмада келтирилган (4-расм).

¹⁵ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2014, – 208 б.



4-расм. Корхона айланма маблағларини (Айм) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таснифи

Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2015, – 256 б.

Таҳлил жараёнида у ёки бу кўрсаткичнинг нимани ифодалашни, уларни боғалаш йўлари ва маълумот манбаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли, ҳар бир кўрсаткичнинг номини, нимани ифодалашни, аниқлаш йўларини келтирилган гуруҳлар бўйича кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун қуйидаги жадвалларни тузилади (5-7 - жадваллар).

5-жадвал

Айланма маблағларни (Айм.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва аниқланиш йўллари¹⁶

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалашни (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1.1. Айм. нинг умумий маблағлар-даги ҳиссаси	Айм.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$A_{\text{Айм}}/B$
1.2. Айм. Таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз пул маблағлари мавжудлигини ифодалайди	$P_m / A_{\text{Айм}}$
1.3. Айм. Таркибида захиралар ва харажатлар (Зх) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз захиралар борлигини кўрсатади	$Z_x / A_{\text{Айм}}$
1.4. Айм. Таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси	Айм. таркибида дебиторларнинг неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$Deb / A_{\text{Айм}}$
1.5. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси	Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий дебиторлардаги неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$D_{\text{муд}} / D$
1.6. Айм. Таркибида ўз маблағлари ҳиссаси	Барча Айм.нинг қанча қисми ўз маблағлари ҳисобидан қопланишини кўрсатади	$(\text{ЎмҚУмп-Ас}) / A_{\text{Айм}}$

¹⁶ Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2015, – 256 б.

Ушбу жадвал маълумотлари корхонанинг айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, аниқланиш йўллари, нимани ифодалаши ва ҳар бирининг ахборот манбаини кўрсатиб турибди. Бу эса мазкур кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш учун назарий ва услубий асос бўлади.

6-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар¹⁷

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
2.1. Айм. сиғими, яъни 1 сўм натижага (Q) тўғри келадиган Айм.	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Айм. тўғри келишини (натижанинг фондлилигини) ифодалайди	Айм/Q
2.2. Айм. меъерининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таъминланиши	Айм. ҳақиқий суммасининг меъерга нисбатини, яъни 1 сўм Айм.м.га тўғри келадиган ҳақиқий Айм. суммасини кўрсатади	Айм.х/ Айм.м
2.3. 1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм.	1 сўм Ав.га тўғри келадиган Айм. суммасини, яъни Ав.нинг Айм. билан таъминланганлигини ифодалайди	Айм/Ав
2.4. Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм.	1 та ходимга тўғри келадиган Айм. суммаси, яъни ходимларнинг Айм. билан таъминланганлигини кўрсатади.	Айм/Х

1. ¹⁷ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2015, – 256 б.

Корхонанинг айланма маблағлари – унинг айланма фондларда, муомала фондларида ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағларидир.

Улар асосий фондлардан фарқли ўлароқ, тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Чунки, бир ишлаб чиқариш цикли мобайнида тўлиқ истеъмол қилинади, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказиши, ҳам буюм-натура кўринишида, ҳам қиймат тарзида тикланади.

Айланма маблағлар ҳақидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ҳамда «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома» деган 2-а шаклда кўрсатилади. Бухгалтерия балансида улар «Айланма активлар» деган активнинг 2-бўлиmidан қайд этилади. Ушбу бўлимнинг якуни корхонанинг муайян санада айланма маблағларда турган маблағлари суммасини кўрсатади.

Халқаро амалиётда ушбу маблағлар турлича: жорий активлар, ҳаракатдаги активлар, айланма активлар деб юритилади.

Қуйидаги учта жиҳатга эътибор бериш керак:

1. Баланс активидаги 1-бўлими якунларининг ўзгаришига нисбатан 2-бўлим якунининг ўзгариши. Баланс активидаги 2- ва 1- бўлимлари якунларини таққослаш хўжалик маблағлари умумий суммасида айланма маблағлар улуши кўпайганлигини (камайганлигини), ҳаракатчан воситалар улуши ўзгарганлигини кўрсатади.

Хўжалик маблағлари умумий суммасида айланма активлар улушининг кўпайиши корхона ихтиёрида ҳаракатчан маблағлар кўпайганлигини, уларни осонроқ ишлатиш ва кредиторлик қарзларини тезроқ тўлаш мумкинлигини, корхона янада ликвидли ва тўловга қобилиятли бўлиб қолганлигини кўрсатади. Маблағлар айланиши тезлашуви корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш учун ҳам жуда муҳимдир.

2. Актив 2- бўлими якуни суммасининг қисқа муддатли қарз суммасига нисбатан ўзгариши (баланс пассиви 2-бўлимнинг якуни минус узоқ муддатли қарз).

Қисқа муддатли қарзнинг айланма активларга нисбатан ўсиши кўпроқ айланма активлар таркибида жалб қилинган маблағлар улуши кўпайганлигини,

яни айланма маблағлар қарз маблағлар ҳисобига кўпайгнлигини кўрсатади. Бундай аҳволни кўриб, корхона раҳбари хушёр тортиши керак. Чунки бундай кўпайиш маблағлар айланишининг секинлашувига, ликвидлик ва тўловга қобилиятиинг пасайишига олиб келиши мумкин (агар бу пасайиш маблағларни дебиторлик қарзларига ишлатиши натижаси бўлмаса).

7-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари¹⁸

Кўрсаткичларни нг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
3.1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	Айм. Бир айланиш даврининг неча кунга тўғри келишини кўрсатади	Айм.Кс/ Q Кс – даврдаги кунлар сони
3.2. Айм.нинг айланувчанлик коэффиценти, мартада	Таҳлил даврида Айм.га қўйилган маблағнинг неча марта айланишини ифодалайди	Q /Айм
3.3. Айм.нинг рентабеллиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади	Ф*100/Айм
3.4. Айм.нинг даромадлилиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган даромадни (Д) ифодалайди	Д*100/Айм
3.5. Дебиторлар-нинг айланувчан-лиги (кунларда)	Дебиторларнинг (Деб) бир айланиш даври неча кунга тўғри келишини кўрсатади	Деб*Кс/ Q

¹⁸ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003, – 256 б.

3. Агар айланма активлар (баланс активи 2-бўлимнинг якуни) қисқа муддатли қарзлардан кам бўлса, бу ҳол ҳамма айланма маблағлар қарз маблағларидан ташкил топганлигини билдиради корхонанинг тўловга мутлақо қобилиятсизлигини кўрсатади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналарнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари—корхона ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми бўлиб, битта ишлаб чиқариш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннархига ўтказилади. Шу сабабли айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнининг мажбурий элементи ва ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.

Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида) битта миқдордаги хом ашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни кўпайтиришдадир. У ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника таъминоти, моддий ресурслар заҳираларини сарфлаш нормаларига боғлиқ бўлади.

**II Боб. «Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ тавсифи, ишлаб
чиқаришидаги айланма маблағларнинг ҳолати ва таъминланганлик
даражаси таҳлили.**

**2.1. «Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ тавсифи, ишлаб чиқариш ҳажми
ва асосий ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили**

Корхона яъни «Сурхонозиқовқатсаноати» акционерлик жамияти хисобланади. Корхонанинг қисқартирилган номи: «СООС» АЖ. ОКПО коди: 00392721. Корхонанинг рўйхатга олинган санаси, гувоҳноманинг рақами: 07.07.2014 йил № 422/1

Корхонани Сурхондарё вилояти Ер ва бино иншоотлар давлат кадастри бошқармаси томонидан Давлат руйхатига олинган.

Корхонанинг почта манзилгоҳи: Сурхондарё вилояти Денов тумани Фаррухий-№1. Корхонанинг юқори органи: Ўзбекистон Республикаси «Ўзпахтаёғ» Акциядорлик жамияти, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 8 уй.

«Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ корхонаси озиқ овқат саноат тармоғи корхоналардандир. Корхонанинг асосий иш фаолияти: Ўсимлик мойи, қадоқланган мой, хўжалик совуни ишлаб чиқариш. «Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ нинг асосий фаолияти олиб бориши озиқ-овқат саноати соҳасида бўлиб, унда ёғ маҳсулотлари, жумладан рафинирланмаган пахта ва соя мойи, макарон маҳсулотлари, кир ювиш воситалари, , шелуха., шрот, қадоқланган ёғ, соопсток.

Хозирги “Сурхонозиқовқатсаноати” акциядорлик жамияти номи 7 июл 2014 йилда берилган, олдинги номи “Денов ёғ - экстракция” заводи, корхонаси улуғ ватан уриши йилларида қурила бошлаган. Украинанинг Кировоград вилоятидаги ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган заводнинг баъзи агрегатлари олиб келиниб Денов пахта тозалаш заводида тушурилди. Корхона ўз меҳнат фаолиятини кичик ва оз миқдорда булган асбоб ускуналар билан бошлаган. Мутахасислар танқислиги ва тажрибаси бор ишчилар етишмасида шу даврда корхонани ишга туширишга эришилди. “Бука - Вольф” буг қозони 1.5 босимга

эга булган , гидронасос,5 валлик вальцофка, кунига юз тонна чигитни майдалаш кувватига эга булган битта шелушитель. Денов “ёғ - пресслаш” кейинчалик Денов “ёғ - экстракция” номини олган завод 1943 йилнинг охирига бориб ишга туширилади. 1959 йил заводга Германия давлатидан 10 та “ФП” маркали пресс, 3 та чангли буг козонлари, 5 та чигит мағзини эзувчи “ВС” маркали вальсофкалар ва бошқа ускуналар ўрнатилди. Корхона раҳбарлари йиллар давомида, янги асбоб-ускуна янги технологиялар ва янги иш услубларини жорий қилишиб корхона иқтисодий курсаткичларини кўтариб келишган.

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Эрон, Тожикистон, Россия, Литва ва Латвия Республикасига экспорт қилиниб келинган. Хозирги кунда” Сурхонозиковкатсаноати” АЖ да битта замонавий бош ишлаб чиқариш биноси ва битта экстракциялаш цехи мавжуд бўлиб, улар тулик қайта жихозланган.

8-жадвал

Корхонанинг ер майдони ва цехлари

№	Цех ва бўлимлар номи	Цех (бўлим)нинг ишга тушган вақти
1	Хом ашё базасини ривожлантириш бўлими	1963 йил
2	Форпресслаш цехи	1963 – 1974 йил
3	Ёғни рафинациялаш ва дезодорациялаш цехи	1963 – 2010 йил
4	Экстракциялаш цехи	1963 – 1974 йил
5	Шрот омбори	1974 – йил
6	Хужалик совуни ва ДЖК цехи	1993 – 1996 йил
7	Стандарт, сифат ва синов лабораторияси	1963 йил
8	Ёғ кадоқлаш цехи	2001 йил
9	Кандолатчилик цехи	1992 йил

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Хозирги вақтда бир кеча кундуз 400 тонна пахта чигитини қайта ишлаш кувватига эга. Жамиятда йилига 4000 минг тонна хужалик совунлари ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Жамиятида 10 та асосий ишлаб чиқариш цехи 8 та ёрдамчи 17 та бўлимлар мавжуд. Хозирда йилига 70 минг тонна чигит корхона томонидан қайта ишланиб қора ёғ чиқиши 19 % ни ташкил этмоқда.

9 -жадвал

Ёрдамчи цех ва бўлимлар

№	ЦЕХ ВА БУЛИМЛАР НОМИ	ЦЕХ ВА БУЛИМНИНГ ИШГА ТУШГАН ВАКТИ
1	Механика таъмирлаш цехи	1963 йил
2	Электро цех, КиП ва А хизмати	1963 йил
3	Сув хужалиги	1963 йил
4	Буг ишлаб чиқариш булими	1963 йил
5	Аммиакли компрессор цехи	1974 йил
6	Каровуллаш ва ЁС булими	1963 йил
7	Транспорт ва темир йул булими	1963 йил
8	Касаначилик булими	2005 йил

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Умумий ер майдони – 17,18 га бўлиб, бинолар эгаллаган майдони – 6,07 га. Шундан катта усти ёпик чигит омбори –11000 тн чигит саклаш имконияти эга.

«Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ корхонаси кадрлар таъминоти куйидагича тақсимланади:

- рахбарлар..... 25 киши
- мутахассислар..... 37 киши
- хизматчилар..... 24 киши
- ишчилар..... 511 киши
- касаначилар.....26 киши

Корхонада жами ишлаётганларнинг маълумотлилик даражаларига қараб бўлиниши:

- олий маълумотли..... 93 киши
- ўрта-махсус..... 147 киши
- ўрта ва тўлиқсиз ўрта.....383 киши

Раҳбарлардан олий маълумотлилар.....21 нафар

Корхонада ишлаётган аёллар жами.....112 киши

“Сурхонозиқовқатсаноати” АЖ таркибига кирадиган барча бошқармалар ва цехлар мос ҳолда йўналишлар бўйича директорларга бўйсунди.

Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилар:

- олий бошқарув органи (акционерларнинг умумий йиғилиши);
- ижроя органи (бошқарув)
- назорат органи (тафтиш ҳайъати).

Кузатув кенгаши олий орган томонидан белгилади ва 7 кишидан иборат бўлади. У бошқарув фаолиятини назорат қилади.

Бошқарув таркиби 7 кишидан иборат бўлади ва жамият ишларини ташкил этади, ялпи йиғилишга фаолият бўйича йиллик ҳисобот тақдим этади. Бошқарувга раис раҳбарлик қилади ва жамият номидан иш юритади. Бошқарув аъзолари 3 йилга сайланади. Тафтиш ҳайъати жамият бошқарувининг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат олиб боради ва 5 кишидан иборат бўлиб 3 йилга сайланади.


Тафтиш комиссияси корхонани 1 йилда бир марта тафтиш қилади, маълумотларни ялпи йиғилишга ва кузатув кенгашига тақдим этади. Ташкилий тузилма деганда корхона бошқаруви функцияларини бажарувчи турли хил бўлим, хизмат ва бўлинмалар таркиби, ўзаро муносабатлари ва бир-бирига бўйсинишини тушуниш лозим.

Жамият акцияларига эгалик қилишнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Номланиши	Ўлчов бирл.	2014	2015
Устав фонди	млрд. сўм	3,2	9,8
Акциялар сони	Минг дона	289,9	2899,6
1 дона акциянинг номинал нархи	минг. Сўм	1,1	3,4
Акционерлар (улуш):			
- Давлат	%	9,8	9,8
- юридик шахслар	%	22,3	22,3
- физик шахслар	%	17,9	17,9
Дивидендлар суммаси (йил натижаларига кўра)	млн. сўм	2192	1212,4
1 та акцияга дидидендлар миқдори	Сўм	75,612	418,12
Дивидендларни тақсимланиши:			
- Давлат	млн. сўм	1312,2	725,8
- юридик шахслар	млн. сўм	483,1	267,2
- физик шахслар	млн. сўм	396,7	219,4

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ташкилий тузилма бошқарувнинг тизим ва алоҳида фаолият тури сифатидаги бир бутунлигини ифодалайди. У бошқарув органларининг маълум бир тартибини, ҳокимият ва бўйсиниш алоқаларини, вертикал ва горизонтал меҳнат тақсимотининг интеграциялашувини этади.



5-расм. «Сурхонозиковқатсаноати» АЖ бошқаруви тузилмаси

**Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг
асосий кўрсаткичлари динамикаси**

Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	2014 й.	2015й.	2016й.	2016й. 2014й.га Нисбатан ўзгариш, %
1. Махсулот сотув хажми	Минг сўм	54600123	52011234	53800124	98,53
2. рафинацияланган мой	минг.тн	14,7	13,3	8,6	58,50
3. хўжалик совуни	минг.тн	2,8	2,0	3,3	117,86
4. Ҳалқ истеъмоли моллари	млрд. сўм	35,6	36,0	43,5	122,19
5. Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	43 680 098	41 608 987	44 116 102	101
6. Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	10 920 025	10 402 247	9 684 022	88.6
7. Ходимлар сони	Киши	612	615	623	101,80
8. Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	Минг сўм	15167987	18881510	19558241	128,94
9. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	7709637	8863848	9162014	118,84
10. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	7458350	10017662	10396227	139,39
11. Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	89215	84551	86356	96,80
12. Ўртача иш ҳақи	Минг Сўм	493,1	358,8	551,2	111,78
13. Соф фойда	Минг сум	4400121	2400356	8200312	186,37
14. Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	10.1	5.8	18.5	-
15. Корхона активлари жами	Минг сум	25612988	33942245	34378635	134,22

11-жадвал давоми

16. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	12546500	13531070	20889596	166,50
17. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	4032470	4382767	5382000	133,47
18. Инвестицияларни ўзлаштириш, жами	млн. долл.	0,2	0,3	1,4	466
19. жумладан: Амалга оширилаётган лойиҳалар сони, жами	дона.	1	2	2	200
20. Жумладан: инвестиция дастурига кўра;	дона.	1	2	2	200
	млн. долл.	0,1	0,2	1,4	466
21. Асосий фондларни эскириши	%	60,7%	66,6%	59,7%	109,9
22. Машина ва ускуналарни янгиланиш даражаси	%	12,4 %	6,25%	7,56%	50,16

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Корхона охириги уч йиллик фаолияти давомида (11-жадвал) маҳсулот ишлаб чиқариш камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2016 йилга келиб 98.53%гача камайган. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари маҳсулот ҳажми га мос равишда камайиш ўрнига ортиб борган ва таҳлил даврининг охирида 2014 йилга нисбатан 101%га ортган. Корхонанинг ходимлари сони ҳам ортиб борган таҳлил даврининг бошида 612кишидан 2016 йили 623кишигача ортган. Корхонанинг асосий воситалари ҳам таҳлил даври давомида ошиб борган ва 2016 йили 2014га нисбатан 128.9%ни ташкил этган. Лекин асосий воситаларнинг эскириши ҳам тез суръатларда ўсиб борган ва уч йил давомида 118.8ни ташкил этган.

Корхонанинг иш ҳақи фонди ва ўртача иш ҳақи қиймати ошиб борган, бу корхонада кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлигига ишорадир.

Корхона соф фойдаси 2014 йилда 4400121 минг сўмни ташкил этган. 2015 йилда соф фойда кредитларни қайтариш ҳисобига камайиб 2400356 минг сўмга тушиб қолган, рентабеллик эса 5.8%ни ташкил этган. Бунда кичик сумма бўлишига сабаб асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлари бўйича харажатлар ва солиқ ҳамда бошқа тўловлар бўйича ажратмалар кўп бўлган. 2016 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, ортиқча харажатларнинг камайтирилиши оқибатида фойда 8200312 минг сўмга чиққан, шунга кўра рентабеллик ҳам кескин ортиб 18.5%ни ташкил этган.

Маҳсулот ҳажмини ўрганишда солиштирма, улгуржи баҳоларда ҳамда жорий йилнинг амалдаги баҳоларида аниқланган маълумотлар таҳлил қилинади. Динамикасини аниқлаш учун ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ҳақиқий маҳсулот ҳажми ўтган йиллардагиси билан таққосланиб, кўрсаткичларнинг ўзгариши мутлақ ва нисбий (фоиз) кўрсаткичларда аниқланиши лозим. Бундай таҳлил қилишда таққосланувчи кўрсаткичлар бир хил баҳоларда ҳисобланган, яъни таққосланувчи талабга келтирилгани мақсадга мувофиқдир. Сабаби, аниқланган ўзгариш ва фарқларда баҳо омилининг таъсири бўлмасдан фақат миқдорий ўсиш ёки камайишлар аниқ ҳолати кўрингани таҳлилнинг таъсирчанлигини орттиради.

Ҳисобот йили маълумотларига эътибор қиладиган бўлсак, ишлаб чиқарилган товар маҳсулот билан сотилган маҳсулотлар ҳажми амалдаги баҳолар бўйича тенг бўлган. Бу шундан далолат берадики, корхонада жорий йилда барча товар маҳсулотни сотишга муваффақ бўлинган. Бу эса корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмлари бўйича яхши натижаларга эришганлигидан далолатдир. Бундан ташқари корхонада жорий йилида ўтган йили ва бизнес режага нисбатан бир қадар кўп маҳсулот реализация қилинган. Бундай натижаларни корхона учун ижобий баҳоламоқ лозим деб ҳисоблаймиз.

Маҳсулот ҳажмининг ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръатлари бир хил солиштирма улгуржи баҳода аниқланади. Амалдаги улгуржи баҳода

ифодаланган маҳсулот ҳажмининг солиштирма баҳодагиси билан таққослаш орқали баҳонинг ўзгаришини маҳсулот миқдорига таъсири аниқланади.

12-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлили, минг сўмда

Кўрсаткичлар	2015й	2016й		Фарқи (+,-)			
		Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Режадан		Ўтган йилдан	
				Мутлақ, минг сўм	Нисбий, %	Мутлақ, минг сўм	Нисбий, %
Маҳсулот ҳажми улгуржи баҳоларда:							
• амалдаги улгуржи баҳода	52011234	52044556	53800124	1755568	3,37	1788890	3,44
• солиштирма улгуржи баҳода	52952525	52064589	54075656	2011067	3,86	1123131	2,12

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлилидан (121-жадвал) кўринадикки, корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасини амалдаги улгуржи баҳолар бўйича ортиғи билан адо этган, солиштирма баҳолар бўйича ҳам режа бажарилган. Маълумотлардан кўринадикки корхонада ҳисобот йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма улгуржи баҳо бўйича ўтган йилга нисбатан 1123131минг сўмга кўпайган ҳолда, бизнес режага нисбатан эса 2011067 минг сўмга кўпайган. Амалдаги улгуржи баҳолар бўйича эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 1788890минг сўмга ёки 3.4 фоизга, бизнес режага нисбатан эса 1755568минг сўмга ёки 2.12 фоизга ўсган. Бундай натижалар шундан далолат берадикки, маҳсулот ҳажмининг солиштирма баҳоси билан амалдаги баҳоси ўртасидаги фарқ баҳо ўзгаришининг маҳсулот ҳажмига

таъсирини акс эттиради. Бундан кўринадики, корхонада жорий йилда товарлар баҳосида ўсиш кузатилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бизнес режасининг бажарилиши ва унинг динамикаси миқдорий (дона, кг, тонна) ўлчамларда аниқланиб, таҳлил этилади. Бундай таҳлил миқдор ўлчамидаги маълумотларни ўргансада, аниқ ҳолатни ва мавжуд имкониятни батафсилроқ акс эттиради. Сабаби, фирма канча турдаги ва миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлса, фақат ҳақиқатда эришилган натижаларгина ўрганилади. Таҳлил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш даражасини аниқлаш лозим.

Асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади.

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга: Ав маҳсулдорлиги, Ав даромадлиги, Ав рентабеллиги, машина ва ускуналар қувватларидан фойдаланиш коэффициенти киради(13-жадвал).

1. Ав. рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди. У соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати билан қуйидагича аниқланади:

$$Раф = СФ * 100 / Ав_{ўр},$$

бунда: Раф – асосий воситалар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

2014 йил $4400121 * 100 / 15167987 = 29 \%$

2015 йил $2400356 * 100 / 18881510 = 12,7\%$

2016 йил $8200312 * 100 / 19558241 = 41,9 \%$

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар¹⁹

Кўрсаткичларни нг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Асосий воситалар Рентабеллиги	Асосий воситалар ўртача қийматига нисбатан	$CF*100 / AV_{\text{ўр}}$
2. Асосий воситалар Даромадлиги	Асосий воситалар ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади	$D*100/AV$
3. Асосий воситалар Нативавийлиги(ф онд қайтими)	1 сўм Асосий воситалар ўртача қийматига қанча миқдорда натижа-вий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келишини ифодалайди	Q/AV

2. Асосий воситалар даромадлиги

$$AV_{\text{д}} = D*100/AV$$

$$2014 \text{ йил } 10\,920\,025 *100/15167987 = 72 \%$$

$$2015 \text{ йил } 10\,402\,247 *100/18881510 = 55\%$$

$$2016 \text{ йил } 9\,684\,022 *100/19558241 = 49,5\%$$

3. Асосий воситалар нативавийлиги (фонд қайтими). Асосий воситалар маҳсулдорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг AV ўртача йиллик қийматига нисбати шаклида қуйидаги формула орқали топилади:

$$AV_{\text{м}} = M/AV_{\text{ўр}}$$

бунда: $AV_{\text{м}}$ – асосий воситалар маҳсулдорлиги;

¹⁹ Абдукаримов Н.Т. ва бошқалар. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Илмий монография Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”. НУ. 2015. – 256 б.

М – таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми;

Ав_{ўр} – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

Бозор муносабатлари шароитида сотилган маҳсулот ҳажми хўжалик фаолиятини тўла ҳажмда акс эттиради. Фойда ва рентабеллик каби корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ушбу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун Ав. маҳсулдорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича эмас сотилган маҳсулот ҳажми бўйича аниқлаш тўғри бўлади. Бунинг учун куйидаги формула тавсия этилади:

$$АвМ=C/Ав_{ўр},$$

бунда: С – сотилган маҳсулот ҳажми.

$$2014 \text{ йил } 54600123/15167987= 3,59$$

$$2015 \text{ йил } 52011234/18881510= 2,75$$

$$2016 \text{ йил } 53800124/19558241= 2,76$$

Таҳлил этилаётган давр учун ҳисобланган кўрсаткичларни йиллар бўйича жадвал кўринишида жамлаймиз (14-жадвал).

14-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи
Ав. Рентабеллиги, %	29	12,7	41,9	12,9
Ав. Даромадлиги, %	72	55	49,5	-22,5
Ав. Натижавийлиги (фонд қайтими)	3,59	2,75	2,76	-0,83

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

14-Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, асосий воситаларнинг рентабеллигининг таҳлил даврида ўзгариши нотекис динамикага эга. 2014 йили 29% бўлган бўлса, 2015 йили 12.7% гача соф фойда қийматининг камайиши ҳисобига кескин камайган, 2016 йилга ўтиб рентабеллик 41.9%гача ортиб кетган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки корхонанинг ҳар йиллик фойдасини шакллантириш кескин ўзгаришларга учраган.

Асосий воситаларнинг даромадлилиги кўрсаткичининг ўзгариши ҳам худди шундай тенденцияни такрорлайди 2014 йилда унинг қиймати 72% бўлса, кейинги йилда 55 %гача камайган, 2016 йилга келиб эса 49.5% га тушиб қолган. Таҳлил даврининг биринчи ва охириги йили ўртасидаги кўрсаткичнинг фарқи -22.5 пункт бўлган. Бунга сабаб даромаднинг ўсиш суръати билан асосий воситалар қийматининг ўсиш суръати ўртасида кескин фарқ мавжуд. Бу ҳолатни ижобий деб баҳолаб бўлмайди.

Фонд қайтими кўрсаткичининг ўзгариши таҳлил даврининг боши ва охирида -0.83 ни ташкил этади. Бу кўрсаткич дастлабки икки йилда 2.75 га кескин тушиб, 2016 йилда эса 2.76 гача ортган. Бунга сабаб махсулот сотиш ҳажмининг ўсиши асосий воситалар қийматининг ўсишидан ортда қолган, демак бу йили асосий воситалардан тўлиқ фойдаланилмаган.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни алоҳида баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги.
2. Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги.
3. Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаш йўлларини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги ($M_{c.n}$) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади.

$$M_{c.n} = Q / M_c$$

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги ($M_{c.p}$)ни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига (M_c) нисбати олинади:

$$M_{c.p} = \Phi / M_c$$

Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги ($M_{c.d}$)ни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (D) меҳнат салоҳияти миқдори (M_c) бўлинади:

$$M_{c.d} = D / M_c$$

Келтирилган кўрсаткичлар тизимига амалий маълумотларни қўллаб меҳнат салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун куйидаги жадвал тузилади (15-жадвал).

15-жадвал

**Меҳнат салоҳиятининг самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	2014 й.	2015й.	2016й.	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот хажми, минг сўм	54600123	52011234	53800124	98,53
2. Ялпи даромад, минг сўм	10920025	10402247	9684022	88,68
3. Соф фойда, минг сўм	4400121	2400356	8200312	186,37
4. Меҳнат салоҳияти ўртача йиллик миқдори, киши	612	615	623	101,80
5. M_c . Натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1қ:4қ)	89215	84551	86356	96,80
6. M_c . Даромадлилиги, минг сўм(2қ:4қ)	17843,2	16914,2	15544,2	87,12
7. M_c . Фойдалилиги, минг сўм (3қ:4қ)	7189,7	3903,0	13162,6	183,08

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ушбу 15-жадвалдан кўришиб турибдики, маҳсулот ҳажми ва ялпи даромад 2015 йилда камайган, лекин 2016 йили давр бошига нисбатан 1.5%га камайган, фойда миқдори эса ортиб борган, меҳнат унумдорлиги 96.8%га, даромадлилиги 87.12%га ўзгарган бўлсада, фойдалилиги 183.08% гача ортган. Меҳнат салоҳияти самарадорлиги кўрсаткичларига 2016 йилда корхона даромадидаги нотекис ўзгаришлар таъсир қилган.

2.2 Корхонада ишлаб чиқаришга жалб этилган айланма маблағлар динамикаси, тузилмаси ва ҳолати кўрсаткичлари таҳлили.

Корхонанинг айланма маблағларини ўрганиб ва таҳлил қилиб, уларнинг кўрсаткичларини, юқорида таъкидланганидек, учта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Бу гуруҳлар:

- айланма маблағларнинг аҳволини;
- айланма маблағлар билан таъминланганликни;
- айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини бидиради.

Айланма маблағларнинг ҳолатини билдирувчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради: айланма маблағлар суммаси, унинг ўртача қиймати, умумий маблағлардаги ҳиссаси, айланма маблағларнинг таркибий тузилиши, айланма маблағларда ўз маблағлари суммаси; айланма маблағлар динамикаси ва ҳ.к.

Айланма маблағларнинг муайян санадаги суммаси бухгалтерия баланси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда баланснинг актив қисмидаги 2-бўлимнинг яқунида кўрсатилади.

Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган миқдорини ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида амалга оширилади. Бу кўрсаткич корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини бажариш чоғида айланма маблағлар неча кунга етишини кўрсатади.

Бироқ, ушбу айланма маблағлардан ҳисобот даврида эмас, балки кейинги даврда фойдаланилади. Шу сабабли, айланма маблағларнинг асл суммасини кейинги чорақда маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган бир

кунлик харажатларга тақсимлаш керак бўлади. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{Кайм.м} = \text{Айм} \times 90 / \text{Ихаражат}$$

бунда:

Кай.м. – кунларда ифодаланган айланма маблағлар;

Айм – айланма маблағлар суммаси;

Ихаражат – кейинги чоракдаги ишлаб чиқариш харажатларининг умумий миқдори.

Ушбу кўрсаткич кунларда ва суммада ифодаланган амалдаги айланма маблағлар меъёрлари билан таққослаш учун керак.

Айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммаси ўртача хронологик формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{Ай.мў} = (\text{Айм.1,5} + \text{Айм.2} + \text{Айм.3} + \text{Айм.4} + \text{Айм.5,5}) / 4$$

бунда:

Ай.му. – айланма маблағларнинг ўрта йиллик суммаси;

Айм.1, ..., Айм.5 – чораклар боши ва охиридаги айланма маблағлар суммаси.

Бу кўрсаткич бизнес-режалар тузиш ва айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш учун ҳам кенг қўлланилади.

1. Корхонада айланма маблағлар ҳолатининг қандай эканлигини билиш учун, ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида, унинг динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аммо айланма маблағлар динамикасини ўрганганда албатта барча активлар динамикаси билан солиштириш ва барча активларда уларнинг улуши қандай ўзгараётганлигини ҳам кузатиш бу борадаги хулосага анча ойдинлик киритади.

Ушбу ҳолатни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузиш керак (16-жадвал).

**Корхонада айланма маблағлар динамикаси ва улар таркибининг
ўзгариш ҳисоб-китоби**

Йиллар	Айланма маблағлар		Барча активлар		Айланма маблағлар -нинг барча активлардаги улуши, %
	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	
2014	12546500	100	25612988	100	48,98
2015	13531070	107,85	33942245	132,52	39,86
2016	20889596	166,50	34378635	134,22	60,76

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Айланма маблағларнинг барча активларга нисбатан ўсиш суръатининг коэффициенти 1.25 ни (166,5:134,22) ташкил қилади. Ҳозирги пайтда корхонанинг айланма маблағлари жадал ўсишга эга. Бу ижобий ҳолат, чунки айланма маблағлар етарли бўлмаса такомиллашган асосий воситалар ва малакали кадрлардан кутилган даражада самарадорликка эришиб бўлмайди.

2. Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Пул маблағлари	1132560	1136332	1121488
2. Айланма маблағларнинг суммаси	12546500	13531070	20889596
Айм. таркибида пул маблағлари (Пм)%	9,03	8,40	5,37

Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси таҳлил даврида жуда паст даражада ва камайиш томонга ўзгарувчандир. 2015 йил якунида корхона

пул маблағлари улуши 9.03% бўлган, кейинги йили эса 5.37%га тушган. Бу оператив ишлар учун қийинчилик туғдириши мумкин.

3. Айм. таркибида ишлаб чиқариш захиралари (Зх) ҳиссаси

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. захиралар	5452320	6167274,5	6176023,5
2. Айланма маблағларнинг суммаси	12546500	13531070	20889596
Айм. таркибида захиралар (Зх) ҳиссаси,%	43,46	45,58	29,57

Айм. таркибида ишлаб чиқариш захиралари ҳиссаси 2015 йили олдинги йилга нисбатан қарийб икки баробар камайган ва охириги йили 29.57%га тушиб қолган.

4. Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Дебиторлар	2721733	4211820	4030722,5
2. Айланма маблағларнинг суммаси	12546500	13531070	20889596
Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси)	21,69	31,13	19,30

Корхонада Айм. таркибида дебиторлар ҳиссаси охириги уч йилда камайиб борган. Унинг улуши 2015йили 21.69%дан 31.13%гача тушиб, охириги йили 19.3%гача камайган. Бу ҳолат корхонани истеъмолчиларга боғланиб қолганлигини кўрсатиб турибди, дебиторларни янада камайтириш тадбирларини амалга ошириш лозим.

5. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Муддати ўтган дебиторлар	321520	348632	356320
2. Дебиторлар	2721733	4211820	4030722,5
3. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси	11,81	8,28	8,84

Корхонада муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий Деб.даги ҳиссаси таҳлил даврининг бошида 11.81% бўлса, кейинги йилларда нотекис ўзгариб боради. Бу ҳолат корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири катта бўлади ва дарҳол кескин чоралар кўриш лозим.

6. Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Ўз маблағлари манбалари	4032470	4382767	5382000
2. Айланма маблағларнинг суммаси	12546500	13531070	20889596
Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси	32,14	32,39	25,76

Корхона дастлабки икки йилда айланма маблағларда ўз маблағларининг ҳиссасини ошириб бориши ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин 2016 йилда бу кўрсаткич кескин камайиб кетган.

Айланма маблағлар (Айм) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи (+,-)
Айм. нинг умумий маблағлардаги ҳиссаси	48,98	39,86	60,76	11,78
Айм. Таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси	9,03	8,40	5,37	-3,66
Айм. таркибида захиралар (Зх) ҳиссаси	43,46	45,58	29,57	-13,89
Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси	21,69	31,13	19,30	-2,39
Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси	11,81	8,28	8,84	-2,97
Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси	32,14	32,39	25,76	-6,38

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Умумлашган ҳолатда тузилган 17- жадвал маълумотларидан кўринадики, корхона айланма маблағларининг умумий маблағлардаги ҳиссаси юқори бўлиб 2014 йилда 48.98 %ни ташкил этган, кейинги йилларда ортиб давр охирида 11.78% бандга ортган. Корхона озиқ-овқат саноат тармоғига оид бўлганлиги учун унда асосий воситалардан кўра айланма

маблағлар кўп бўлиши ҳам керак. Бу эса маҳсулот таннархини асосий воситалар ҳисобига ошиб кетишига йўл қўймайди.

Ҳисобот даврида пул маблағлари манбалари 3.66% бандга камайган бўлиб, умумий улуши ҳам катта эмас. Айланма маблағлар таркибида ишлаб чиқариш захираларининг камайиши ишлаб чиқариш узилишига, тугалланмаган ишлаб чиқаришни кўпайишига, харидорлар олдида мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келади.

Корхонанинг ўз маблағлари улуши охириги учинчи йилда 25.6% фоизни ташкил қилиши ижобий ҳолат эмасдир, ўсишнинг суръатини оширишга интилиш лозим.

18-жадвал

Дебитор-кредитор қарздорликлар тўғрисида маълумот (минг сўм)

Т/Р	Курсаткичлар номи	01.01.15й	01.01.16й	01.01.17й	фарки
I	Жами дебиторлик қарзлар	2721733	4211820	4030722,5	-181097,5
1	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи	9356	1009613	187880	-821733
3	Мол етказиб берувчиларга берилган бунақлар	1427850	1544965	890872	-654093
4	Ходимларга берилган бунақлар	226753	263615	-	+36862
5	Ходимларнинг бошқа операцион қарзлари	947952	986168	2903958,5	-1917790,5
6	Бошқа дебиторлик қарзлар	109822	365973	48012	-317961
II	Жами кредиторлик қарзлар	9710868	8084630	8851987	+767357

1	Мол етказиб берувчиларга қарз	2510180	5169520	7919625	+2750105
	Шундан, “Узпахтасаноат” АЖ корхоналари	175270	3228318	-	3053048

Дебиторлик қарзларининг айланма маблағларнинг қарийб тўртдан бирини ташкил қилишини яхши ҳолат деб бўлмайди, чунки уларни корхона ўз маблағлари ёки қарз ҳисобига қоплаши керак бўлади. Айланма маблағлар ҳолатини таҳлил қилганда албатта унинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларга ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим. Бунинг учун айланма маблағлар таркибига кирувчи ҳар бир модданинг улуши аниқланади ва уларнинг суммаси ҳамда улушидаги ўзгариши ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш лозим (19-жадвал).

19 -жадвал

Корхонада айланма маблағлар таркибининг ҳисоб-китоби (2014 йил)

Кўрсаткичлар	Йил бошида		Йил охирида		Ўзгариш	
	сум- маси, минг сўм	улу- ши, %	сум- маси, минг сўм	улу- ши, %	Сум- маси, минг сўм	Улу- ши, %
1. Ишлаб чиқариш захиралари	6213048	51	6713487	52	500439	1
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	1510624	12,4	1489878	11,54	-20746	-0,86
3. Тайёр маҳсулот	3178407	26,09	3538782	27,41	360382	1,32
4. Қайта сотишга мўлжалланган товарлар	0	-	0	0	0	0
5. Пул маблағлари	110860,	0,91	32276	0,25	-78584	-0,66
6. Дебиторлар	1169515	9,6	1136129	8,8	-33386	-0,8
ЖАМИ:	12182448	100	12910552	100	728104	-

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ушбу 19-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики айланма маблағлар таркиби йил бошида ва охирида кескин ўзгармаган. Масалан ишлаб чиқариш захираларининг улуши 2014 йил бошида 51% бўлса, йил охирида 52%га тенг бўлмоқда, яъни 1 % бандга кўпайган, худди шундай тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳиссаси 12.4% дан 11,54% гача ўзгарган бўлиб 0.86% бандга, тайёр маҳсулот эса қиймат жиҳатдан 360382 минг сўмга камайган.

Пул маблағлари улуши камайган ҳолда қиймат жиҳатдан 78584 минг сўмга камайган, дебиторлар ҳам 0.8% бандга камайган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, пул маблағларини бир маъромда туриши яхши, лекин унинг ошиши корхона ликвидлигини ва молиявий барқарорлигига ижобий таъсир қилган бўларди, тайёр маҳсулотни камайиши эса маҳсулотни харидоргирлигини ортганини билдиради. Дебитор қарзларнинг камайиши эса ижобий ҳол.

20 -жадвал
Корхонада айланма маблағлар таркибининг ҳисоб-китоби(2015 йил)

Кўрсаткичлар	Йил бошида		Йил охирида		Ўзгариш	
	сум-маси, минг сўм	улуши, %	сум-маси, минг сўм	улуши, %	Сум-маси, минг сўм	Улуши, %
7. Ишлаб чиқариш захиралари	6713487	52	5762709	39,7	-950778	-12,3
8. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	1489878	11,54	1538658	10,6	48780	-0,94
9. Тайёр маҳсулот	3538782	27,41	1596720	11	-1942062	-16,41
10.Қайта сотишга мўлжалланган товарлар	0	0	0	0	0	0
11.Пул маблағлари	32276	0,25	1495111	10,3	1462835	10,05
12.Дебиторлар	1136129	8,8	4122442	28,4	2986313	19,6
ЖАМИ:	12910552	100	14 515 640	100	418368	-

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ушбу 20-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, айланма маблағлар таркиби йил бошида ва охирида кескин ўзгарган. Масалан ишлаб чиқариш захираларининг улуши 2015 йил бошида 52% бўлса, йил охирида 39.7%га тенг бўлмоқда, яъни 12.3 % бандга камайган, худди шундай тугалланмаган ишлаб чиқариш 0,94% бандга, тайёр маҳсулот эса 16.41% бандга камайган. Пул маблағлари 10,05% бандга, дебиторлар эса 19,6% бандга ошган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, пул маблағларини ортиши корхона ликвидлигини ва молиявий барқарорлигини ортганини билдиради, тайёр маҳсулотни камайиши эса маҳсулотни харидоргирлигини ортганини билдиради. Дебитор қарзларнинг ортиши эса ижобий хол эмас.

21-жадвал

**Корхонада айланма маблағлар таркибининг ҳисоб-китоби
(2016 йил)**

Кўрсаткичлар	Йил бошида		Йил охирида		Ўзгариш	
	сум- маси, минг сўм	улу- ши, %	сум- маси, минг сўм	улу- ши, %	Сум- маси, минг сўм	Улу- ши, %
1. Ишлаб чиқариш захиралари	5762709	39,7	7552003,9	27,7	1789294,9	-12
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш	1538658	10,6	1581286	5,8	42628,0	-4,8
3. Тайёр маҳсулот	1596720	11	4634803,8	17	3038083,8	6
4. Қайта сотишга мўлжалланган товарлар	0	0	0	0	0	0
5. Пул маблағлари	1495111	10,3	1363177,6	5	-131933,4	-5,3
6. Дебиторлар	4122442	28,4	12132281	44,5	8009838,6	16,1
ЖАМИ:	14515640	100	27263552	100	12747912	-

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

2016 йил бўйича аксинча ҳолатни кўриш мумкин, тайёр маҳсулот улушининг ошиши, маҳсулот сифатига ва маркетинг фаолиятидаги

камчиликлардан, пул маблағлари улушининг камайиши ҳамда дебиторлар ҳиссасининг ошиб бориши эса молиявий барқарорликни камайишидан дарак беради.

2.3. Корхона ишлаб чиқаришида айланма маблағларини айланиши даражаси ва самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади²⁰.

1. Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги айланма маблағлар ўртача йиллик суммасининг бир кунлик сотилган маҳсулот қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Айма} = \text{Аймўс} * K / C,$$

бунда:

Айма – айланма маблағлар айланувчанлиги;

Аймўс – айланма маблағлар ўртача йиллик суммаси;

C – маҳсулот сотиш суммаси;

K – даврдаги кунлар сони (одатда, бир йилди 360, ярим йилда 180, 1 чоракда 90, 1 ойда 30 кун).

$$2014\text{й. } 12546500 * 360 / 54600123 = 83$$

$$2015\text{й. } 13531070 * 360 / 52011234 = 94$$

$$2016\text{й. } 20889596 * 360 / 53800124 = 140$$

2. Айланма маблағларнинг неча марта айланиши (айланиш коэффициенти – Ак) сотилган маҳсулот суммасининг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади ёки даврдаги кунлар сони (360) айланма маблағларнинг айланиш кунларига бўлинади. Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

²⁰ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2008, – 256 б.

$$A_k = C / \text{Аймўс} \quad \text{ёки} \quad A_k = 360 / \text{Айма.}$$

$$2014\text{й. } A_k = 360 / 83 = 4,3$$

$$2015\text{й. } A_k = 360 / 94 = 3,8$$

$$2016\text{й } A_k = 360 / 140 = 2,6$$

3. Айланма маблағлар рентабеллиги соф фойданинг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Аймр} = \text{СФ} * 100 / \text{Аймўс},$$

бунда:

Аймр – айланма маблағлар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг 1 сўмига =анча фойда олинаётганлигини билдиради.

$$2014\text{й. } 4400121 * 100 / 12546500 = 35\%$$

$$2015\text{й. } 2400356 * 100 / 13531070 = 18\%$$

$$2016\text{й } 8200312 * 100 / 20889596 = 39\%$$

4. Айланма маблағлар даромадлилиги (Аймд) даромад (Д) суммасини айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Аймд} = \text{Д} * 100 / \text{Айм.}$$

$$2014\text{й. } 10\,920\,025 * 100 / 12546500 = 87\%$$

$$2015\text{й. } 10\,402\,247 * 100 / 13531070 = 77\%$$

$$2016\text{й } 9\,684\,022 * 100 / 20889596 = 46\%$$

5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)

$$2014\text{й. } 2721733 * 360 / 54600123 = 18$$

$$2015\text{й. } 4211820 * 360 / 52011234 = 29$$

$$2016\text{й } 4030722,5 * 360 / 53800124 = 27$$

**Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи
кўрсаткичларни таҳлили**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	83	94	140	57
2. Айм.нинг айланувчанлик коэффиценти, мартада	4,3	3,8	2,6	-1,7
3. Айм.нинг рентабеллиги	35	18	39	4
4. Айм.нинг даромадлилиги	87	77	46	-41
5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	18	29	27	9

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди
Ушбу 22-жадвал маълумотларидан кўринадики, айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилганда уларга доир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни ўтган йил ва бизнес режа маълумотлари билан таққослаш керак. Шундан кейин бу кўрсаткичларнинг ўзгариш даражасига турли омиллар таъсири аниқланади. Мазкур омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия этиш керак бўлади.

Айланма маблағлар айланишининг тезлашуви (секинлашуви) ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун маблағларни бўшатиб беради (қўшимча жалб этади).

Айланма маблағлар айланишининг тезлашуви (секинлашуви) натижасида бўшатиб олинган (қўшимча жалб қилинган) маблағларни аниқлаш учун сотишдан келган бир кунлик тушумни айланма маблағлар айланишининг тезлашиш (секинлашиш) кунлари сонига қуйидаги формула бўйича кўпайтириш керак бўлади:

$$\text{Айм} = C_1 x (\text{Айма} - \text{Аймас}) / K,$$

бунда:

Айм – бўшатиб олинган (қўшимча жалб этилган) айланма маблағлар суммаси;

C₁ – ҳисобот даврида сотилган маҳсулот суммаси;

K – таҳлил қилинаётган даврдаги кунлар сони;

Айма – айланма маблағларнинг ҳисобот даври кунларидаги айланиши;

Аймас – айланма маблағларнинг асос даври кунларидаги айланиши.

Таҳлилга кўра бизнинг корхонада айланма маблағларнинг айланиш тезлиги 13 кунга кўпайган. Бу қуйидагича қўшимча маблағ жалб этади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига жуда кўп омиллар таъсир этади. уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;
- айланма маблағлар тузилишининг яхшиланиши;
- айланма маблағларни белгиланган меъёрлар даражасига етказиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулотга талабни ўрганишнинг яхшиланиши;
- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг яхшиланиши кабилар.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдига қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шаклларини қўллаш.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Гап шундаки, айланма маблағларнинг муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишни яхшилаш туфайли камроқ истеъмол қилиниши ёки қисман озод қилинишида акс этади. Айланма маблағлар мутлақ ёки нисбий озод қилиниши мумкин.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни

(кунларда) инобатга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади. Айланма капиталларни юкланиш коэффициенти айланиш коэффициентига тесқари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотга сарфланган айланма капиталларни тавсифлайди. Шу жумладан, бир марта айланиш давомийлиги кунларда ўлчанади ҳамда шу даврдаги кунлар сонини айланиш коэффициентига нисбати орқали ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишни яхшилаш туфайли камроқ истеъмол қилиниши ёки қисман озод қилинишида акс этади. Айланма маблағлар мутлақ ёки нисбий озод қилиниши мумкин.

Корхона айланма капиталларидан самарали фойдаланиш учта асосий кўрсаткични тавсифлайди: айланиш коэффициенти, айланма капиталларнинг юкланиш коэффициенти, воситаларнинг бир марта айланиши давомийлиги.

Айланиш коэффициенти корхона айланма капиталларининг маълум бир вақт (йил, чорак) давомида амалга оширувчи айланишини тавсифлайди ёки айланма капиталларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келувчи сотилган маҳсулотларни кўрсатади.

III боб. Корхона ишлаб чиқаришида айланма маблағларини айланишини оширишнинг асосий йўналишлари.

3.1. Корхона айланма маблағларнинг айланувчанлигини оширишда уларни нормалаштиришни такомиллаштириш

Айланма маблағларни нормалаштириш корхонанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли захираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади.

Бироқ амалиётда корхоналарнинг барча айланма маблағлари ҳам нормалаштирилмайди. Шу сабабли айланма маблағлар нормалаштирилувчи ва нормалаштирилмайдиган турларга тақсимланади ва улар ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Нормалаштирилувчи айланма маблағлар қаторига корхона омборларидаги ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, унчалик қиммат бўлмаган предметлар ва жиҳозлар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр маҳсулотлар киритилади.

Нормалаштирилмайдиган айланма маблағлар, бу – харидорларга бериб юборилган тайёр маҳсулот ёки товарлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағларидир.

Корхоналар фаолиятида барча айланма маблағлар салмоғида 70-80%ни ташкил қилувчи нормалаштирилувчи айланма маблағлар асосий ўрин тутаяди. Айланма маблағларни нормалаштириш тежамкорлик режимида риоя қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Ресурсларни нормалаштириш жараёнида айланма маблағларнинг норма ва нормативлари белгиланади.

Айланма маблағларнинг нормаси, корхона моддий-товар бойликларининг минимал захираларини тавсифлайди ҳамда ишлаб

чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи пул ўлчовида, захира кунлари ва захира нормаларида ҳисобланади.

Айланма маблағлар билан таъминланиш даражаси уларнинг меъёрдан қанчалик фарқланишида кўринади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 февралдаги «Вазирликлар, идоралар ва корхоналар айланма маблағларининг меъёрлари тўғрисида»ги 108-қарорига мувофиқ, корхоналар молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириши мақсадида фаолият турларини ҳисобга олиб, айланма маблағларнинг табақалаштирилган меъёрлари тасдиқланди.

Юқорида тилга олинган қарорда айланма маблағлар меъёрлари идораларга қараб, кунларда ва бир сўм харажатга тўғри келадиган тийинларда белгиланган. Бу маълумотлар 23-жадвалда келтирилган.

23-жадвал

Айланма маблағлар меъёри

Идоралар	Айланма маблағлар меъёри	
	кунларда	1 сўмлик харажат учун тийинларда
“Ўзқурилишматериаллари” АК	45	12.50
“Ўзбекмебель” АК	45	12.50
“Ўзбекенгилсаноат” АК	45	12.50

Ушбу қарорга мувофиқ айланма маблағлар меъёрини аниқлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган бир кунлик харажатлар суммасини кунларда белгиланган меъёрга қуйидаги формула бўйича кўпайтириш керак:

$$\text{Айм} = \text{УХФАХҚ} * \text{АйММкун} / \text{К}$$

бунда:

Айм. — айланма маблағларнинг меъёрдаги суммаси;

УХФАХҚ— ҳисобот даврида умумхужалик фаолиятининг амалдаги жами харажатлари киймати (5-с-шакл бўйича);

К— даврдаги кунлар сони;

АйММкун — белгиланган айланма маблағларнинг кунлардаги меъёри.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш динамикаси ҳам ишлаб чиқариш хажмига боғлиқ бўлади. Бу ҳажмнинг ҳаддан ташқари кўпайиши бутланмаган маҳсулот чиқариш ёки ишлаб чиқаришни тугаллаш учун зарур хом ашё материаллар йўқлиги натижасида юз бериши мумкин²¹.

Тайёр маҳсулотга талабнинг пасайиши, ёмон маркетинг, харидорлар йўқлиги ёки маҳсулот сифати ёмонлашуви натижасида ҳам тайёр маҳсулот ортиқча ишлаб чиқарилгани мумкин.

Дебиторлик қарзининг, айниқса, муддати ўтган қарзнинг кўпайиши харидорлар ва буюртмачиларнинг тўлов қобилияти етарли даражада ўрганилмаганлигидан дарак беради.

Пул маблағларининг ҳаддан ташқари кўпайиши ҳам номақбул ҳодисадир. Чунки, бу маблағлар корхонанинг ҳисоб рақамларида ҳаракатсиз ётмасдан, айланиб туриши ва даромад келтириши керак. Иккинчи томондан, маб-лағларнинг йўқлиги корхонанинг тўловга қобилиятсизлигини кўрсатади.

Шу сабабли, айланма маблағлар турлари корхонанинг барқарор ишлашини таъминлайдиган миқдорда бўлиши керак.

Айланма маблағлар билан таъминланиш даражаси уларнинг меъёрдан фарқ қилиши билан белгиланади. Корхонанинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш мақсадида, фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда, айланма маблағларнинг табақалаштирилган меъёрлари тасдиқланган.

Молиявий ҳисоботни ўрганиш республика корхоналари айланма маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатди. Катта дебиторлик қарзлари, айланма маблағларнинг секин айланиши, ишлаб чиқаришга доимо қўшимча маблағлар жалб этишни талаб қилади.

²¹ Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2015. – 480 б.

Айланма маблағларни таҳлил қилган вақтда амалдаги ва меъёрий айланма маблағларни таққослаш ва улар ўртасидаги фарқни ҳисоблаб чиқариш керак бўлади.

Айланма маблағлар меъёрини аниқлаш учун юқоридаги қарорга мувофиқ, маҳсулот ишлаб чиқаришга бир кунда қилинган харажатлар суммасини қуйидаги формула бўйича кунларда ифодаланган белгиланган меъёрга кўпайтириш керак:

$$\text{Аймм} = \text{Эдк} * \text{Нкн} / \text{К}.$$

бунда:

Аймм — айланма маблатар меъёри суммаси;

Эдк — даврдаги кунларнинг жами миқдори;

К — даврдаги кунлар сони;

Нкн — айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган (белгиланган) меъёри.

Агар айланма маблағлар нормативи 1 сўмга қилинган харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланса, ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар умумий суммасини қуйидаги формула бўйича харажатларнинг 1 сўмига тийинларда белгиланган нормативга кўпайтириш керак бўлади:

$$\text{Аймм} = \text{Хиш} * 1 \text{ сўмга } \text{М},$$

бунда:

Хиш — ишлаб чиқариш харажатлари;

1 сўмга М — 1 сўм харажатга тўғри келадиган айланма маблағлар меъёри.

Ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлаш ва қатор йиллар билан таққослаш таҳлил қилинаётган объект бўйича етарли хулосаларни чиқариш учун асос бўлади.

**Корхонанинг айланма маблағларнинг меъёрдаги суммаси
динамикаси**

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи (+,-)
Маҳсулот хажми	54600123	52011234	53800124	-799999
Умумхужалик фаолиятининг амалдаги жами харажатлари киймати	43680098	41608987,2	44116102	436004
Даврдаги кунлар сони	365	365	365	0
Белгиланган айланма маблағларнинг кунлардаги меъёри	45	45	45	0
Белгиланган айланма маблағларнинг 1 сўмлик харажат учун тийинлардаги меъёри	12,5	12,5	12,5	0
Айланма маблағларнинг 1 сўмлик харажат учун тийинлардаги сарфи	29	33	47	18
Айланма маблағларнинг меъёрдаги суммаси	5460012,	5201123,4	5514512,7	54 500,7
Айланма маблағларнинг ҳақиқатдаги суммаси	12546500	13531070	20889596	8343096

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Юқоридаги 24-жадвалдан кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган даврнинг ҳар бир йилида айланма маблағларнинг ҳақиқатдаги суммаси айланма маблағларнинг меъёрадаги суммасидан кўплиги кўринади: 2014 йилда 229,8%, 2015 йилда 2,6 марта, 2016 йилда 378,8%. Айланма маблағларнинг 1 сўмлик харажат учун тийинлардаги сарфи меъёр кўрсаткичларидан 2014 йилда 17,5 тийинга, 2015 йилда 20,5 тийинга, 2016 йилда 32,5 тийинга кўп бўлган. Бу ҳолатни ижобий деб бўлмайти.

3.2. Корхонада ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминланганлиги ва уни яхшилаш йўналишлари.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишда айланма маблағларнинг суммаси ва айланиш тезлигини белгиланган меъёрлар билан таққослаш; ўз ва қарз маблағларининг муомаладаги иштирокини аниқлаш; айланма маблағларнинг умумий ҳажми ва турлари бўйича шакллари ва манбаларини ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни аниқлаш учун маълумотлар молиявий ҳисоботдан, баланснинг актив қисмидаги 2-бўлимидан олинади.

1. Айм. сиғими, яъни 1 сўм натижага (Q) тўғри келадиган Айм.

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Айланма маблағларнинг суммаси	12546500	13531070	20889596
2. Маҳсулот хажми	54600123	52011234	53800124
Айм. сиғими	0,23	0,26	0,39

Охириги уч йил давомида бир сўмлик маҳсулот учун сарфланган айланма маблағлар нотекис ўзгарган, 2015 йилда олдинги йилга нисбатан 3 тийинга ошган, кейинги йили эса бу кўрсаткич 13 тийингача ортган. Бундан хулоса қилиш мумкинки корхонада шу йили айланма маблағларидан самарали фойдаланилмаган

2. Айм. меъерининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таминланиши

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Айланма маблағларнинг ҳақиқий суммаси	12546500	13531070	20889596
2. Айланма маблағларнинг меъёрдаги суммаси	5460012,	5201123,4	5514512,7
Айм. меъерининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таминланиши, %	229,8	260,2	378,8

Таҳлил даврида Айм. меъерининг ҳақиқий миқдори билан таминланиши жуда юқори даражада бўлиб, ўзгариш суръати ҳам нотекис бу ортиқча маблағлар материал сарфига олиб келиши мумкин.

3. 1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган айланма маблағлар

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Айланма маблағларнинг ҳақиқатдаги суммаси	12546500	13531070	20889596
2. Асосий фондларнинг қиймати	7458350	10017662	10396227
1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган айланма маблағлар, сўм	1,68	1,35	2,01

1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган айланма маблағлар қиймати 2014 йилда 1.68 сўм бўлса 2015 йили кескин камайиб 135 сўмга чиқиб охириги йили 2.01 сўмгача ортган. Кўринадики корхонадаги умумий маблағлар асосан айланма маблағларни шакллантиришга йўналтирилади.

4. Битта ходимга (X) тўғри келадиган Айм.

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.
1. Айланма маблағларнинг суммаси	12546500	13531070	20889596
2. Ходимлар сони	65	71	76
Битта ходимга (X) тўғри келадиган Айм., минг сўм	193023	190578	274863

Битта ходимга (X) тўғри келадиган айланма маблағлар қиймати корхонада ўсиб борганлиги ижобий ҳол бўлиб, меҳнат самарадорлигининг юқори бўлишига замин яратади.

25-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Айм. сиғими, яъни 1 сўм натижага (Q) тўғри келадиган Айм., сўм	0,23	0,26	0,39	0,16
2. Айм. меъёрининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таъминланиши, %	229,8	260,2	378,8	149
3. 1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм., сўм	1,68	1,35	2,01	0,33
4. Битта ходимга (X) тўғри келадиган Айм., минг сўм	193023	190578	274863	81840

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ушбу умумлашган 25-жадвалдан кўриш мумкинки, барча кўрсаткичлар 2014 йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эга. Айланма маблағлар сифимининг ўсиши маҳсулот таннархини ошишига олиб келади. Бу борада хомашёдан фойдаланишни яхшилаш ёки унинг янги турларидан, прогрессив нормалардан фойдаланишга ўтиш тавсия этилади. Айланма маблағлар ҳақиқий қийматининг меъёрдан кескин кўп бўлиши унинг самарадорлигига таъсир этиши мумкин.

3.3. Корхонанинг айланиб турган ўз маблағлари динамикасини яхшилаш йўналишлари.

Айланиб турган ўз маблағлари суммаси (Айўм) ўз маблағларнинг қанча қисми айланиб турганлигини кўрсатади. Халқаро амалиётда уни одатда «ишчи сармоя» деб аташади.

Уни аниқлаш учун ўз маблағларининг бутун суммаси-дан узоқ муддатли активларда, яъни асосий активларда турган ўз маблағлари суммасини айириб ташлаш керак. Бироқ, асосий маблағлар ва солинган сармояларда узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар бўлиши мумкинлиги туфайли, ҳисоблаш чоғида уларни ҳам назарда тутиш лозим.

Шундай қилиб, айланиб турган ўз маблағлари суммасини аниқлаш учун «Ўз маблағлари манбалари» деган баланс пассивининг 1-бўлими якунидан «Узоқ муддатли активлар» деган баланс активининг 1-бўлими якунини айириб ташлаш ҳамда узоқ муддатли активлардаги «Узоқ муддатли кредитлар» суммасини қўшиш керак. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Айўм} = \text{ЎММ} - \text{Узоқ муд. акт.} + \\ + \text{Узоқ муд. қарз.} + \text{Узоқ муд. кр.,}$$

бунда: Айўм — ўз маблағлари манбалари (пассив) 1-бўлимининг якуни);

Узоқ муд. акт. — узоқ муддатли активлар (актив 1-бўлими якуни);

Узоқ муд. қарз. — узоқ муддатли қарзлар;

Узоқ муд.кр. — узоқ муддатли кредитлар.

Ана шу кўрсаткични айланма маблағлар умумий суммасидан айланма маблағларда фойдаланилган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзларни айланма активлар чиқариб ташлаш йўли билан, яъни қуйидаги формула бўйича аниқлаш ҳам мумкин:

$$\text{АйМС} = \text{АйМ} — \text{айланма маблағлардаги қисқа муд.қарз.} — \\ \text{- узоқ муд.қарз.}$$

Амал қилувчи сармоя муомаладаги, яъни амалда айланиб турган ўз сармояси суммасини билдиради. Халқаро амалиётга мувофиқ бу кўрсаткич айланиб турган ўз маблағлари суммасига тенг деб ҳисобланади. Бироқ, айланма маблағлар таркибида айна пайтда муомаладан чиқариб олинган ва шу сабабли, ишлаб чиқаришда амал қилмаётган муддати ўтган дебиторлик қарзлари ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолда амал қилиб турган сармояни аниқлаш учун айланиб турган ўз маблағлари умумий суммасидан муддати ўтган дебиторлик қарзлари суммасини чиқариб ташлаш керак. Бу сумма «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома» деган 2-А шаклда кўрсатилади.

Корхонанин айланиб турган ўз маблағларининг таҳлил қилинаётган йиллардаги қиймати қуйидагича ўзгаришга эга (22-жадвал)

Айланма маблағлар таркибини қуйидагилар ифодалайди:

ўз маблағлари улуши, яъни айланма маблағлардаги ўз маблағлари суммасининг фоизи. Уни аниқлаш учун ўз маблағлари суммасини 100 га кўпайтириш ва айланма маблағлар суммасига тақсимлаш керак;

қарз маблағлар улуши, яъни айланма маблағлардаги жалб қилинган маблағлар салмоғи;

- дебиторлик қарзлари улуши;
- захиралар ва харажатлар улуши;
- пул маблағлари улуши.

Корхонанинг айланиб турган ўз маблағлари динамикаси

Кўрсаткичларнинг номи	2014й.	2015й.	2016й.	2016й.да 2014й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Ўз маблағлари манбалари	4032470	4382767	5382000	1349530
2. Узоқ муддатли активлар	1458350	1017662	1039622	-418728
3. Узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар	-	-	-	9
4. Айланиб турган ўз маблағлари	2574120	3365105	4342378	1768258

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди
Айланма маблағлар таркибини таҳлил қилганда муайян пайтдаги уларга доир амалий маълумотларни ўтган йил маълумотлари билан ҳамда охириги бир неча йил мобайнидаги ўзгаришлари билан таққослаш керак.

Агар айланма маблағларда:

- ўз маблағлари улуши кўпайса;
- қарз маблағлари улуши камайса;
- дебиторлик қарзлари улуши камайса;
- захиралар ва харажатлар улуши камайса;
- пул маблағларининг улуши кўпайса, айланма маблағларнинг таркиби

яхшиланганлигидан далолат беради.

Маркетинг хизмати ёмонлиги, харидорлар йўқлиги ёки маҳсулот сифати ёмонлашганлиги туфайли тайёр маҳсулотга талаб пасайиши натижасида бу маҳсулот тўпланиб бориши мумкин. Дебиторлик қарзи,

айниқса, унинг муддати ўтган қисми ўсиши харидорлар ва буюртмачиларнинг қобилияти етарли ўрганилмаётганлигини кўрсатади.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Айланма маблағларни нормалаштириш корxonанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли захираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади

Корxonанинг айланма маблағларнинг меъёрдаги суммаси динамикасидан кўриш мумкинки, тахлил қилинаётган даврнинг ҳар бир йилида айланма маблағларнинг ҳақиқатдаги суммаси айланма маблағларнинг меъёрдаги суммасидан кўплиги кўринади: 2014 йилда 229,8%, 2015 йилда 2,6 марта, 2016 йилда 378,8%. Айланма маблағларнинг 1 сўмлик харажат учун тийинлардаги сарфи меъёр кўрсаткичларидан 2014 йилда 17,5 тийинга, 2015 йилда 20,5 тийинга, 2016 йилда 32,5 тийинга кўп бўлган. Бу ҳолатни ижобий деб бўлмайди.

Айланма маблағлар билан таъминланиш даражаси уларнинг меъёрдан фарқ қилиши билан белгиланади. Корxonанинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш мақсадида, фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда, айланма маблағларнинг табақалаштирилган меъёрлари тасдиқланган.

Айланма маблағлар сиғимининг ўсиши маҳсулот таннархини ошишига олиб келади. Бу борада хомашёдан фойдаланишни яхшилаш ёки унинг янги турларидан, прогрессив нормалардан фойдаланишга ўтиш тавсия этилади. Айланма маблағлар ҳақиқий қийматининг меъёрдан кескин кўп бўлиши унинг самарадорлигига таъсир этиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Корхона охириги уч йиллик фаолияти давомида маҳсулот ишлаб чиқариш камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2016 йилга келиб 98.53%гача камайган. Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот хажми га мос равишда камайиш ўрнига ортиб борган ва таҳлил даврининг охирида 2014 йилга нисбатан 101%га ортган. Корхонанинг ходимлари сони ҳам ортиб борган таҳлил даврининг бошида 612кишидан 2016 йили 623кишигача ортган. Корхонанинг асосий воситалари ҳам таҳлил даври давомида ошиб борган ва 2016 йили 2014га нисбатан 128.9%ни ташкил этган. Лекин асосий воситаларнинг эскириши ҳам тез суръатларда ўсиб борган ва уч йил давомида 118.8ни ташкил этган.

Корхонанинг иш ҳақи фонди ва ўртача иш ҳақи қиймати ошиб борган, бу корхонада кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлигига ишорадир.

Корхона соф фойдаси 2014 йилда 4400121 минг сўмни ташкил этган. 2015 йилда соф фойда кредитларни қайтариш ҳисобига камайиб 2400356 минг сўмга тушиб қолган, рентабеллик эса 5.8%ни ташкил этган. Бунда кичик сумма бўлишига сабаб асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлари бўйича харажатлар ва солиқ ҳамда бошқа тўловлар бўйича ажратмалар кўп бўлган. 2016 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш хажмининг ортиши, ортиқча харажатларнинг камайтирилиши оқибатида фойда 8200312 минг сўмга чиққан, шунга кўра рентабеллик ҳам кескин ортиб 18.5%ни ташкил этган.

Айланма маблағларнинг барча активларга нисбатан ўсиш суръатининг коэффиценти 1.25 ни (166,5:134,22) ташкил қилади. Ҳозирги пайтда корхонанинг айланма маблағлари жадал ўсишга эга. Бу ижобий ҳолат, чунки айланма маблағлар етарли бўлмаса такомиллашган асосий воситалар ва малакали кадрлардан кутилган даражада самарадорликка эришиб бўлмайди.

Умумлашган ҳолатда тузилган жадвал маълумотларидан кўринадики, корхона айланма маблағларининг умумий маблағлардаги ҳиссаси юқори бўлиб 2014 йилда 48.98 %ни ташкил этган, кейинги йилларда ортиб давр

охирида 11.78% бандга ортган. Корхона озиқ-овқат саноат тармоғига оид бўлганлиги учун унда асосий воситалардан кўра айланма маблағлар кўп бўлиши ҳам керак. Бу эса маҳсулот таннархини асосий воситалар ҳисобига ошиб кетишига йўл қўймайди.

Ҳисобот даврида пул маблағлари манбалари 3.66% бандга камайган бўлиб, умумий улуши ҳам катта эмас. Айланма маблағлар таркибида ишлаб чиқариш захираларининг камайиши ишлаб чиқариш узилишига, тугалланмаган ишлаб чиқаришни кўпайишига, харидорлар олдида мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келади.

Корхонанинг ўз маблағлари улуши охириги учинчи йилда 25.6% фоизни ташкил қилиши ижобий ҳолат эмасдир, ўсишнинг суръатини оширишга интилиш лозим.

Корхонанинг айланма маблағларнинг меъёрдаги суммаси динамикасидан кўриш мумкинки, таҳлил қилинаётган даврнинг ҳар бир йилида айланма маблағларнинг ҳақиқатдаги суммаси айланма маблағларнинг меъёрдаги суммасидан кўплиги кўринади: 2014 йилда 229,8%, 2015 йилда 2,6марта, 2016 йилда 378,8%. Айланма маблағларнинг 1 сўмлик харажат учун тийинлардаги сарфи меъёр кўрсаткичларидан 2014 йилда 17,5 тийинга, 2015 йилда 20,5 тийинга, 2016 йилда 32,5 тийинга кўп бўлган. Бу ҳолатни ижобий деб бўлмайд.

Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлардан кўриш мумкинки, барча кўрсаткичлар 2014 йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эга. Айланма маблағлар сиғимининг ўсиши маҳсулот таннархини ошишига олиб келади. Бу борада хомашёдан фойдаланишни яхшилаш ёки унинг янги турларидан, прогрессив нормалардан фойдаланишга ўтиш тавсия этилади. Айланма маблағлар ҳақиқий қийматининг меъёрдан кескин кўп бўлиши унинг самарадорлигига таъсир этиши мумкин.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига жуда кўп омиллар таъсир этади. уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;

- айланма маблағлар тузилишининг яхшиланиши;
- айланма маблағларни белгиланган меъёрлар даражасига етказиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулотга талабни ўрганишнинг яхшиланиши;
- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг яхшиланиши кабилар.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдига қўйилган вазифаларни бажариш қуйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- * фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- * ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- * корхоналарни узоқ муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- * маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- * бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари қўллаш.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Гап шундаки, айланма маблағларнинг муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Фойданилган адабиётларруйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни //«Халқ сўзи» газетаси. 7 январ 2012 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 26 апрель // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1 том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2011.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 20.04.2017 йилдаги ПФ-5022-сон Фармони,
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 18.04.2017 йилдаги ПФ-5019-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 31.03.2017 йилдаги ПФ-4996-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни

жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17.01.2017 йилдаги ПФ-4933-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4707 сонли Фармони

10. “Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 18.02.2016 йилдаги ПҚ-2492-сон.

11. “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 07.04.2016 йилдаги ПҚ-2515-сон

12. “Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси — «Ўзбекизоқовқатзахира»ни ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 08.04.2016 йилдаги ПҚ-2517-сон

13. “2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 16.09.2016 йилдаги ПҚ-2595-сон.

14. “Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 19.09.2016 йилдаги ПҚ-2603-сон.

15. “2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 28.09.2016 йилдаги ПҚ-2615-сон.

16. “Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 25.10.2016 йилдаги ПҚ-2641-сон.

17. “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 21.12.2016 йилдаги ПҚ-2687-сон

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли Фармони «Ургут», «Ғиждувон Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 40-модда.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

19. Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

IV. Асосий адабиётлар

21. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.

22. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.

23. Mahmudov E.X., Isoqov M.Yu. Biznes - rejalashtirish. O'quv qo'llanma. –Т.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005, – 160 б.

24. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2015, – 208 б.

V. Қўшимча адабиётлар

25. Белых Л.П. Реструктуризация предприятия. Учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 511 с.

26. Кантор Е.Л, и др. Экономика предприятия. – СПб.: Питер, 2009. – 224 с.

27. Просветов Г.И. Экономика предприятия: задачи и решения. Учеб. практическое пособ. – М.: «Альфа-Пресс», 2009. – 560 с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

28. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2014-2016 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

29. Ўзбекистон Республикасининг 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. WWW/ stat.uz.

VII. Интернет сайтлари

30. www.mineconomy.uz (O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi)
31. www.mehnat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi)
32. www.mf.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi)
33. www.stat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi)
34. www.ima.uz (O‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi)
35. www.academy.uz (Fanlar akademiyasi)